

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ижтимоий-иқтисодий факультет

Миллий ғоя ва фалсафа кафедраси

5-44 гуруҳ битирувчи талабаси

Нажмиддинов Ҳасаннинг

**5131500-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши
бўйича бакалавр даражасини олиш учун ёзган**

**«Глобализм ва глобализациянинг Ўзбекистон
тараққиётига таъсири»**

мавзусидаги

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Иш кўрилди ва ҳимоя
қилишга рухсат берилди.
ГулДУ “МИҒ ва фалсафа”
кафедраси мудири:
_____С.ИСМАИЛОВ.
2014 йил “---” -----**

**Илмий раҳбар: ГулДУ
“МИҒ ва фалсафа”
кафедраси доценти
_____Ш.Юсупов
2014 йил “---” -----**

2014 йил

Р Е Ж А

Кириш

Адабиётлар таҳлили

1-БОБ. ГЛОБАЛИЗМ, ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ВА УЛАРНИНГ ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИГА ТАЪСИРИ

1.1. Глобаллашув: тушунча, моҳияти ва мазмуни

1.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон
иқтисодиётини ривожлантириш

2-БОБ. ГЛОБАЛИЗМ ТАҲДИДЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

2.1. Ахборотлашган жамият тараққиёти ва глобализм даври таҳдидлари

2.2. Экологик муаммоларнинг глобаллашуви ва унинг таҳдидлари

Хулоса ва тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Минг йиллигимизнинг охирига келиб, инсоният тарихида кузатилмаган ва дунёни умуман бошқа йўналишга буриб юборган “ғайритабиий ҳодиса” – глобаллашувга гувоҳ бўлдик.

Глобаллашув жараёнининг келиб чиқиши ва унинг Ўзбекистон тараққиётига таъсири тўғрисида гапиришдан олдин “глобаллашув” терминига изоҳ берсак. Битирув-малакавий ишимиз мавзусида “глобализм” ва “глобализация” тушунчалари ишлатилган. Бу тушунчаларнинг фарқи нимада? “Глобализация” — “глоуб” (инглизчадан “global”, яъни ер шари), “глобал” (“глобал”, яъни бутун дунёга тегишли) ва “глобаллашув” (“globalize”, яъни бутун дунёга тарқалиши) сўзларидан келиб чиққан.

Collins English луғатида (1998) глобаллашув молиявий ва сармоя киритувчи бозорларга давлатлар ва миллатларнинг ўзаро боғланмаганликларидан фойдаланган ҳолда ривожланган ва тартибга солинган алоқалар орқали бошқариш имкониятини беради, деб таъкидланади¹.

Глобаллашув жараёни 1990 йиллар ўрталарида асрнинг буюк кашфиёти интернет пайдо бўлгач, янада мураккаб табиатга эга бўлди. Москванинг глобаллашув муаммолари институти чоп этган “Глобаллашув амалиёти. Янги аср ўйин қоидалари” тўпламида² глобаллашув жараёни ахборот инқилоби, айниқса, интернетнинг ривожланиши ҳамда молиявий бозорларнинг интеграциялашуви билан узвий боғлиқ экани ёзилади.

Глобаллашув жараёнини олимлар “интернационаллаштириш ёки байналминаллаштириш”, “либераллаштириш ёки эркинлаштириш”, “универсаллаштириш” ҳамда “ғарблаштириш”, деб талқин қилишади.

¹ Қаранг: Дергачев В. А. Глобалистика. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. С.17.

² Практика глобализма. Правила игры нового века. — М., 2000. С.16.

“Интернационаллаштириш” — мамлакатлараро муносабатлар, халқаро савдонинг ўсиши, демократия ва инсон ҳуқуқлари каби ғояларни ўзаро алмашинишидир.

“Либераллаштириш” — мамлакатлараро очик савдонинг чегаралашнинг ман этилиши ва жаҳон иқтисодиётини эркинлаштириш.

“Универсаллаштириш” — бу турфа қараш ва тажрибаларнинг ер юзидаги барча инсонлар орасида тарқалиши. Иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ўсиши миллий маданият ва қадриятларнинг уйғунлашувига олиб келади. Бошқача айтганда, маданиятларнинг қўшилиб кетиши натижасида ўзгача маданият юзага келади.

Инглиз олими Вотернинг фикрига кўра, “ғарблаштириш” жараёнини “замонавийлаштириш” жараёни деб ҳам айтиш мумкин. Бироқ “замонавийлашувнинг ижтимоий тузилиши” бўлган капитализм, мустамлакачилик, саноатлашув, бюрократизм, имперализм ва ҳоказолар глобаллашув жараёнининг асосий негизини ташкил қилади. Яъни гап “ғарблаштириш” ҳақида кетганда, ғарбий капитализмнинг жаҳон миқёсида устун туриши назарда тутилади. Масалан, 2000 йил маълумотларига кўра, дунёда интернетдан фойдаланувчилар сони 304 миллионни ташкил этган. Лекин бутун дунёни эгаллаб олган мазкур ахборот тармоғидан фойдаланувчилар сони давлатлар ва минтақаларда тенг тақсимланмаган. 1999 йил охирларида интернетдан фойдаланувчиларнинг 88 фоизи ривожланган давлатларда истиқомат қилишган. Бу эса дунё аҳолисининг 15 фоизини ташкил қилади. АҚШ ва Канадада ер юзи аҳолисининг 5 фоизи истиқомат қилади ва мана шу беш фоиз аҳоли интернетдан фойдаланувчиларнинг 50 фоизини ташкил этади. Маълумотлардан кўриниб турибдики, интернетни бутун дунё ахборот тармоғи дея аташ ҳам қайсидир маънода нисбийлик касб этади. Ҳозирги кунда дунё глобаллашувининг янги даври “ахборот асри” ёки “электрон юз йиллик” томон қадам ташламоқда. Сунъий йўлдошлар ва интернет орқали телекоммуникатсияларнинг фаолият юритиши ҳар ким ва

ҳар нарса учун ер шарининг хоҳлаган чеккасига бориш ва жойлашиш, яъни дитерриториаллашиш имкониятини яратади¹.

2001 йил 11 сентябр воқеаларидан кейин дунё сиёсати мазмун-моҳият жиҳатидан мутлақо янги ва мураккаб босқичга ўтди, халқаро сиёсатдаги манфаатлар куч ва қутбларининг марказларида ҳам жиддий тузилмавий ўзгаришлар юз берди. Қўпоровчилик ҳаракатлари натижасида халқаро журналистикада мавжуд ҳуқуқий меъёрлар ва касбий этиканинг ОАВ ҳамда журналистлар томонидан суиистеъмол қилиниши, касбий ваколатлар, мажбуриятларнинг қўпол тарзда бузилиши, энг муҳими, мустақил ва холис фикр билдиришга нисбатан масъулиятнинг камайиши ҳоллари бутун дунё миқёсида кучайди. Ҳозирги кунда халқаро муносабатлар, капитал ва молиявий институтларнинг кенгайиши натижасида оммавий ахборот воситалари ҳам жаҳон тарихида мисли кўрилмаган тарзда глобаллашиб бормоқда. Муайян бир миллат ва давлатга ёки маълум бир сиёсий кучларгагина дахлдор бўлган муносабатлар ва алоқалар ҳамда ҳудудий чегаралардан чиқиб, гибрид характерга эга бўлган ўта мураккаб сиёсий-ижтимоий ва маданий воқеликка айланмоқда. Мазкур жараёнлар Ўзбекистон сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий ва маънавий ҳаётига, хусусан, мамлакат ОАВига жиддий ва кучли таъсир кўрсата бошлади. Негаки, глобаллашув жараёни шиддат билан кечаётган ҳозирги даврда Ўзбекистон мустақил, очик ва демократик тамойиллар асосида ривожланаётган давлат сифатида ушбу воқелик таъсиридан четда қола олмайди. Шунингдек, ХХІ асрнинг бошига келиб дунёда шундай бир сиёсий-иқтисодий вазият юзага келдики, у Ўзбекистонни бевосита халқаро ҳамжамият ва халқаро алмашиш жараёнларига шиддат билан интеграциялашишини талаб қилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон ОАВлари таъсир доирасининг чекланганлиги, чуқур иқтисодий асос ва ахборот бозорининг тўла қарор топмаганлиги, жаҳон ахборот тармоқларига кириб боришининг сустлиги мамлакат

¹ Дергачев В. А. Глобалистика. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. С.23.

ОАВларининг глобал ахборот алмашиш жараёнларида фаол иштирок этишига тўсқинлик қилмоқда. Натижада дунё ҳамжамияти Ўзбекистон тўғрисидаги ахборотларни учинчи манбалардан ёки жаҳон журналистикасида катта таъсир доирасига эга бўлган Россия ОАВлари орқали олмоқда. Бу эса ўз навбатида бутун дунёда айрим ҳолларда Ўзбекистон тўғрисидаги ноҳолис ва нотўғри тасаввурларнинг ҳамда фикрларнинг тарқалишига олиб келмоқда, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрўсига путур етмоқда.

Таъкидлаш керакки, глобаллашув жараёнининг ҳаракат манбаи ҳисобланмиш Ғарбнинг (асосан АҚШ) йирик иқтисодий кучлари бутун дунёни ўзларининг корпоратив манфаатларигагина жавоб берувчи ва хизмат қилувчи “ягона хом ашё, истеъмол, ишлаб чиқариш ва ахборот бозори”га айлантиришга уринмоқдалар. Глобаллашув жараёни Ғарб давлатларининг умумий манфаатлари ҳимоясида ҳам асосий ўрин эгаллади. Ажабланарли томони шундаки, 6,3 миллиард кишидан иборат жаҳон аҳолисининг фақатгина 1 миллиардга яқини истиқомат қилувчи Ғарб давлатлари дунёдаги мавжуд иқтисодий ресурсларнинг 80 фоизини назорат қилмоқда. Сайёрамиз аҳолисининг бор-йўғи 1 фоизи дунё бойликларининг 60 фоизига эга. Бу эса миллий давлатларнинг Ғарбга сиёсий иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қарамлигига олиб келади¹.

Бугунги кунда, истаймизми йўқми, мамлакатимиз ҳам глобаллашув жараёнидан ташқарида эмас. Бугун халқаро муносабатлар тизимида ўз ўрнига, ўз сўзига эга бўлган, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш, халқаро ҳамжамиятга тобора кўпроқ интеграциялашиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган Ўзбекистон учун глобаллашув жараёнининг қатор ижобий хусусиятлари мавжудлигини инкор этиб бўлмайди, лекин мазкур жараённинг салбий хусусиятлари ҳам мавжудлигига, айниқса, жаҳонда кучлар нисбатини қайта кўриб чиқишга бўлган уринишлар тобора

¹ www.google.co.uz

кучайиб бораётган бир шароитда стихияли ривожланиб бораётган глобаллашув жараёни унинг ташаббускорлари ва ҳомийлари қўлида таққослаб бўлмайдиган кучли қурол вазифасини бажараётганлигига ҳам эътиборсизлик билан қараб бўлмайди. Бу ҳақда Президентимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида шундай деган эди: “Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар”¹.

Хуллас, бугунги кунда глобаллашув, глобализм, глобализация ва унинг Ўзбекистон тараққиёти таъс ири ҳақида мақолалар, рисоалар, қўлланмалар ёзиш, ёшлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, глобал муаммолар ва уларни ҳал қилиш борасидаги мавжуд имкониятлар ва йўллар билан тушунтириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиб, мавзумиз долзарблигини белгилаб бермоқда.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Битирув-малакавий ишимизда глобализм, глобализация ҳақида тушунча бериб, уларнинг Ўзбекистонга таъсирини очиб бериш мақсадида, ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни қўйдик:

глобализм, глобализация, глобаллашув тушунчалари моҳияти ва мазмунини очиб бериш:

жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ва уни бартараф қилиш йўлида қилинган ишлар ҳақида фикр юритиш;

ахборотлашган жамият тараққиёти ва глобализм даври таҳдидларини таҳлил қилиш;

экологик муаммоларнинг глобаллашуви ва унинг таҳдидлари ҳамда бартараф қилиш йўлларини кўрсатиш.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.:Маънавият, 2008.

Ишнинг объекти сифатида глобализм, глобализация ва уларнинг таҳдидлари танланди.

Ишнинг фарази. Ҳозирги замонда глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олиб, ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларига таъсир ўтказмоқда. Айрим олимларнинг фикрича, глобал ҳокимият шаклланмаган бўлса ҳам, бутун дунёни бошқараётган глобал бошқарув тизими шаклланиб бўлган. Бу тизим асосида кам сонли умумжаҳон институтлари – Жаҳон Валюта Банки, Бутун жаҳон савдо тизими, бутун дунё муаммоларини ўзича ечаётган бир ховуч эгоэлита ётади, кўпчиликнинг овози эса бу ерга ўтмайди. Бу глобаллашув сиёсатининг кўпчиликдан иборат кишилар, ташкилотлар ва мамлакатларни озчиликнинг кўғирчоғига айлантириш қуроли бўлиб хизмат қилаётганини кўрсатади. Ҳозирги кунда молиявий инқирозлар натижасида турли сиёсий кучлар орасида низолар кучаймоқда, сиёсий инқирозлар вужудга келмоқда. Шунингдек, инсоният олдида бутунжаҳон глобал муаммолар ҳам турибди, уларни ҳал қилиш инсоният ҳаётини қутқариш демакдир. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида, дунёдаги кўпчилик давлатлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Иқтисодий, ижтимоий ҳаётнинг тобора ривожланиб бориши билан бирга, юртимиз тараққиётига глобал муаммолар таъсири кўзга ташланмоқда.

Ишнинг методологик асоси ва усуллар. Президент И.А.Каримовнинг бир қатор асарлари, жумладан “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари ҳам БМИ учун методологик асос бўлиб хизмат қилди. Ишни ёзишда умумлаштириш, таҳлил, қиёслаш усуллари, тарихийлик, холислик тамойилларидан фойдаланилди.

Ишдаги янгиликлар. Глобализмнинг Ўзбекистонга таъсири сўнгги йилларда чоп этилган адабиётлар асосида ёритиб берилган.

Ишнинг тўзилиши. Мазкур БМИ Кириш, адабиётлар таҳлили, асосий қисмдаги 2 та боб, хулоса ва тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Иш юзасидан тақдимот тайёрланган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Авваламбор шуни таъкидлаш жоизки, битирув-малакавий ишни ёзишда Президент И.А.Каримов асарлари методологик асос бўлиб хизмат қилди. Чунки юртбошимиз асарларида мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёти ҳар томонлама таҳлил қилинган. Айниқса, Ўзбекистоннинг 21 аср бўсағасидаги аҳволи, унинг тараққиётига таҳдид солувчи омиллар, уларнинг бартараф қилиш йўллари, жаҳон молиявий инқирози ва унинг таъсири ҳамда салбий оқибатларини бартараф этиш йўллари очиб берилган. Сўнгги йилларда эса Президентимиз маънавият, ёшларни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, Ўзбекистонда ҳукуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш ҳақида батафсил тўхталиб ўтилганлар¹. Айниқса, “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида маънавий таҳдидлар глобаллашув жараёнлари билан бир бутун ҳолда таҳлил этилади. Муаллиф масалага ҳолисона ёндашиш принципига содиқ қолиб, аввало, бу ҳодисанинг ижобий жиҳатларига тўхталади².

Мустақиллик йилларида бир қатор файласуф, сиёсатшунос олимларимиз томонидан Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги тараққиёти, унинг ривожланишига таҳдид солаётган омиллар, глобаллашув, глобаллашувнинг ижобий ва салбий таъсирлари таҳлил қилинган. Бу борада қатор монографик асарлар, мақолалар, ўқув қўлланмалар, дарсликлар ёзилган. Жумладан, С.Отамуратов томонидан олий ўқув юртлари талабалари учун қўлланмалар ва дарсликлар, монографиялар яратилган. Бу китобларда муаллиф глобаллашув, оммавий маданият, оммавий маънавият ҳақида фикр

¹ Каримов И. “Ўзбекистон аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” – Т., “Ўзбекистон”, 1997; Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: Ўзбекистон, 2009; Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008

юритган.¹ А.Очилдиевнинг асарида ахборотнинг жамият тараққиётидаги ўрни, глобаллашув даврида ахборот воситаларининг инсон маънавиятига салбий таъсирлари ҳақида фикр юритилган².

Рус тилидаги бир қатор монографиялар, илмий, илмий-омабоп китобларда глобализм, глобализация, умуман глобаллашувнинг моҳияти, мазмуни ҳар томонлама таҳлил қилиниб, очиб берилганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, У.Бек, В.Дергачев, М.Кастельс асарларида ва бошқа китобларда глобализмга умумий таъриф берилган, глобал муаммоларнинг жаҳон цивилизациясига таъсири таҳлил қилинган ва уларнинг олдини олиш йўллари кўрсатиб ўтилган.⁴ Бу борада “Моҳият” газетасидаги “Ахборотлашган жамиятда ОАВ ўрни”, “Ўзбекистон матбуоти” журналидаги Х.Дўстмуҳаммад, О.Ўсаров, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасидаги Н.Жабборовларнинг мақолалари глобаллашув жараёнларининг халқимиз, айниқса ёшлар маънавиятига таъсири, бу таъсирларнинг салбий томонларини олдини олишга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилган⁵. Шунингдек, бир қатор Интернет сайтларида глобаллашув, унинг Ўзбекистон ривожига, маънавиятга таъсири очиб берилган.⁶

¹ Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси (сиёсий-фалсафий кирралари). — Т.: «Akademiya», 2005; Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил). — Т.: «Янги аср авлоди», 2008; Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий ҳавфсизлик. — Т.: Ўзбекистон, 2013

² Очилдиев А. Ахборот ва жамият тараққиёти. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурулиши академияси, 2006

⁴ Бек У. Что такое глобализация? – М.: Прогресс-Традиция, 2001; Глобализация как фактор социальных перемен в современном мире. – М., 2012; Глобалистика. Энциклопедия. – М., 2010; Дергачев В. А. Глобалистика. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005; Кастельс М. «Информационная эпоха: экономика, общество и культура. М.: ГУ ВШЭ, 2000

⁵ Ахборотлашган жамиятда ОАВ ўрни. //Моҳият, 2008 й. 26 сентябрь, 6-7 б.; Дўстмуҳаммад Х. Глобаллашув даври ва ахборот макони. //Ўзбекистон матбуоти, 2007 йил 3-сон, 12-14 б.; Жабборов Н. Буюк ўзгаришлар албатта буюк натижалар беради. Пиримкул Қодиров билан суҳбат. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010 йил 23 апрель; Ўсаров О. Ахборотлашаётган жамият талаблари: қонун, ижро, масъулият. //Ўзбекистон матбуоти, 2008 йил 3-сон, 7-9 бетлар

⁶ <http://sharh.uz/munosabat>; www.fikr.uz; <http://huquqburch.uz>; www.insonvaqonun.uz

1-БОБ. ГЛОБАЛИЗМ, ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ВА УЛАРНИНГ ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИГА ТАЪСИРИ

1.1. Глобаллашув: тушунча, моҳияти ва мазмуни

Йигирманчи асрда инсоният ўз тараққийётининг янги босқичига қадам қўйди. Космик аср, деб ном олган бу босқич фан ва техниканинг мислсиз тараққийёти, унинг ютуқларини халқ хўжалигига кенг қамровда татбиқ этилиши билан характерланади. Бу хусусиятлар эса ХХІ аср арафасида кишилиқ жамияти тараққийёт учун мутлақо янги тенденция – глобаллашув жараёнини юзага келтирди.

Глобаллашув ҳозирги давр тараққийётини белгилаб берадиган, умумлаштирадиган ва куч-қудрати сифатида намоён бўлаётган объектив жараёндир. Умумжаҳон ривожланишининг етакчи тенденцияларидан бири – глобаллашув ҳақида ХХ асрнинг иккинчи ярмидан гапирила бошланди. Глобаллашув жараёни (талаб-эҳтиёжларнинг глобаллашуви) қарама-қарши томонларга эга бўлиб, у бир томондан планета масштабида ахборот тарқалиши, билим ва технологияларнинг тарқалиши билан ривожланишга, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга янги имкониятлар яратади. Лекин, бунда иккинчи томондан, ижтимоий тизимларнинг (табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўлганидек) турли-туманлиги сақланиши керак. Ер юзида ҳаётнинг турли-туманлиги ва маданияти назарга олиниши керак. Бунга маънавий меъёрлар билан ёндашиш, глобал муаммоларни ҳар бир миллатнинг миллий характери, маданияти, урф-одатлари асосида ҳал этилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Глобаллашув халқаро аҳамиятга эга бўлган, тобора ўсиб бораётган ҳар хил омиллар (иқтисодий ва сиёсий, маданий ва информацион омиллар)нинг алоҳида давлатлардаги ижтимоий воқеликка таъсири жараёнидир. Ҳозирги даврда глобаллашув жараёнида, яъни бир бутун цивилизацияларни

шакллантириш ва янги планетар тафаккур усули зарур деб, ҳисоблайдилар. Бундаги ғоя: ҳар қандай янги технологик кескин ўзгариш жамиятнинг фақат ишлаб чиқариш кучларидагина эмас, инсоннинг ҳамма турмуш тарзида ҳам чуқур ўзгаришларга сабаб бўлади. Жамиятдаги бундай янги технологик ўзгариш (жамият информацияси билан боғлиқ) шундай ташкил топганки, у инсониятдаги ўзаро таъсирининг глобаллашувига янги принципиал асос, замин яратади¹.

Глобаллашувнинг ҳозирги даврда уч манбаи мавжуд: коммуникация воситаларидаги туб ўзгаришлар; инвестициялардаги янги жараён; дунёга янгича қарашнинг вужудга келишини таъминлаш. Глобализацияга тўғри ёндашув тараққиётни тезлаштиради, тинч-тотувликни таъминлайди, давр зарбаларидан омон қолиб яшаш даражасини юксалтиради, ижтимоий барқарорликни, сиёсий мавқега эгаликни таъминлайди, ҳамда кўшни давлатлар билан мулоқот имкониятларини кенгайтиради.

Глобаллашув тушунчасига олимлар турлича ёндошмоқдалар. Масалан, кенгроқ қамровли нуқтаи назарни назарда тутиб, рус олими Ю.Федоров ёзади: «Глобаллашув кўп ҳолларда янги сифат кўрсаткичларига эга бўлган оламнинг интеграциялашуви, бутунлиги ва ўзаро алоқадорлиги, бу эса ўта мураккаб ва зиддиятли манзаранинг бир қисми, холос»². Кўп ҳолларда глобаллашувнинг бугунги босқичи ўзига хос ўзаро алоқаларнинг тўлдирилишига олиб келади, бу хўжалик, ахборот ва бошқа фаолият кўринишларида кучайишини кўрсатади.

Глобаллашиб бораётган дунёдаги жамоа турмуш тарзининг янги фазилатларига А.Володин ва Г.Широковлар урғу беради. Улар «глобаллашув тушунчасини мажмуали равишда геоиктисодий, геосиёсий ва геогуманитар кўринишларда ёқлайдилар, бундан эса ҳар томонлама ҳаётий фаолиятга эга бўлган кучли намоишкорона эффект (фойда) мамлакатдаги мавжуд

¹ Кастельс М. «Информационная эпоха: экономика, общество и культура. М.: ГУ ВШЭ, 2000, с.81.

² Глобалистика. Энциклопедия. – М., 2010. С.24-25

жараёнларни ўзига жалб этиши кўринади». В.Михеев улардан ҳам олдинга қадам ташлайди. Унинг талқинларида «Глобаллашув – мамлакат ва минтақалардаги иқтисодий ва сиёсий ўзаро боғлиқлик ривожланиши шу даражада бўладики, бу ҳолатда ягона дунёнинг ҳуқуқий ҳудуди ва дунёдаги иқтисодий ва сиёсий бошқармаларнинг яратилиши ҳақидаги маъқул ва зарурий саҳнаси юзага чиқади». Ниҳоят, М.Чишков учун ҳам «Глобаллашув – башариятнинг турли компонентларидаги жараёнлар бўғини, эволюция (ривожланиш) даврида башариятнинг дифференция жараёнининг қарама-қаршилигидир»¹.

Глобаллашув моҳиятининг тадқиқ этувчилари ортида жиддий муаммо туради: у ўзининг тарихий издошлари – байналминалчиликка қандай муносабатда бўлади, шубҳасиз, улар – ҳам қариндошлар, аммо фарқ нимада? А.Володин ва Г.Широковлар шундай талқинни тавсия қиладилар: бизнинг фикримизча, бу тушунчаларни шундай жойлаштириш мумкин эди, яъни, «байналминалчилик»ни капитал ва маҳсулотлар, одамлар ва ғоялар ҳаракатининг бошланғич даври сифатида аниқлаб, улар дунёвий макон бутунлигига асос эканлигини таъкидлаб, ўз навбатида булар бариси «глобаллашув» жараёнлари сифатида шаклланиб боради.

Н.Жўраев ва Ш.Азизовлар таъкидлашича глобаллашувнинг бу интерпретацияси нисбатан бир жинсли дунёвий маконларнинг шаклланиши бўлиб, улар инсон фаолияти учун катта кенгликлар очади. Ватанимиз тадқиқотчиларига чет эллик муаллифлар ҳам қўшилмоқдалар. Дьюк университети социологи байналминалчиликдан глобаллашувга ўтиш даврини таърифлар экан, , профессор Г.Жеффери «халқаро масштабдаги фаолиятнинг турли кўринишларида функционал интеграция ва координациялар»нинг муҳим фарқланишларини кўради.

¹ Глобалистика. Энциклопедия. – М., 2010. С.29

К.Роули (Лондон шаҳар университети) ва Г.Бенсон (Мальбурн университети) глобаллашув давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий чегараларидаги емирилишнинг муҳим нуқтаси сифатида, дея тавсифлайди

Глобаллашув жараёнлари ҳақида эса икки америкалик муаллифлар – П.Нанди ва Ш.Шахидулланинг фикрлари бошқача. Улар буни субъектив, ижодий характерга эга деб талқин қиладилар, у одамлар фаолиятига умумдунё миқёсида ўзгаришлар олиб келиши мумкин. Улар учун глобаллашув «юксалиш ва такомиллашишнинг асосли янги жараёни». Уларнинг таъкидлашича, индивидлар, ҳамжамиятлар, миллатлар, цивилизация ўзи учун глобаллашув мазмунини турлича аниқлайдилар. Муаллифлар фикрича, глобаллашув мақсадга кўра, одамларга ҳеч қандай муаммо туғдирмасдан барчасини ўзи ҳал этиш, амалга ошириш имкониятларини яратади¹.

Инсон фаолиятининг миллий қолиплардан чиқиши, трансмиллий шакллари шу ҳолда яратиш индивидлар, ижтимоий гуруҳ ва жамоалар, халқлар ва давлатларнинг турмуш тарзида туб ўзгаришлар ясайди. Бу ерда аниқ ҳолда глобал ҳамжамият яратиш ҳақида сўз кетмоқда, бу қолипдаги мавжуд миллий давлат тузилмалари кўп ёки камроқ мавқеда мустақил тузилма бирликлари сифатида иштирок этадилар. Биз уни мега жамият деб атаймиз.

Дунёнинг янги тартиби ўз ўтмишларидан фақатгина туғилиш шарт-шароитлари билан фарқланмайди, аксинча, қатор мавжуд нуқталарга эга. Буни бутунлай қамраб олишга даъват қилмасдан туриб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтмоқчимиз:

- «миллий куч-қувват» тушунчасини кенгайтириш ва теранлаштириш;
- ҳуқуқий негизларининг иккига бўлиниши;

¹ Бек У. Что такое глобализация? / Пер. с нем. А. Григорьева и В. Седелника; Общая редакция и послесл. А. Филиппова. – М.: Прогресс-Традиция, 2001. – 304 с

- алоҳида, ҳоли қолишнинг истиқболсизлиги;
- пул миқдор ўйинларидан мунтазам равишда узоқлашиш;
- давлатлар (гуруҳлар)нинг ўз мавқеи, аҳамиятли доирасига ва ўзаро муносабатларнинг аниқ таркиби бўйича мустаҳкамроқ сафланиши;
- турли суръатдаги интеграция жараёнларининг рағбатлантирилиши;
- ташқи ва ички сиёсатдаги «хитой девори»га барҳам бериш.

Глобализациянинг такомиллашиб бориши, биринчи навбатда, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тезлаштиради. Айниқса, савдо, молия ва ишлаб чиқаришни глобализациялашуви давлатлар, корпорация ва шахслараро алоқаларни кенгайтиради, натижада халқаро фуқаролик жамияти шаклланади.

Илмий адабиётларда ҳозиргача глобализациянинг иқтисодий омилларига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ҳақиқатда, иқтисодий омил асосий аҳамиятга эга, аммо бу омил ягона эмас. У ижтимоий ҳаёт ва давлатнинг барча моддий ва маънавий соҳаларини қамраб олади. Глобализациянинг асосий омили халқаро меҳнат тақсимотини кучайтиради, натижада транспорт ва алоқаларнинг нархи мунтазам пасайиб боради. Айниқса, ахборот воситалари соҳасидаги инқилобни вужудга келтиради.

Шундай қилиб, глобаллашув инсоният тараққиёти ва жамият ҳаётининг жаҳон миқёсида интеграциялашиши натижасида содир бўлаётган жараён-ларнинг оламшумул аҳамият касб этишидир. Ўрни келганда, таъкидлаш жоизки, глобаллашувга турлича таъриф беришади. Бу таърифларнинг энг кенг тарқалганларини келтириб ўтамиз:

- Жаҳон иқтисодиётининг сармоя, ишчи кучи ва кашфиётлар оқимининг кенгайиши, шунингдек, мамлакатларнинг жаҳон миқёсидаги иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ҳамкорликдаги ҳаракатлари туфайли давом этаётган интеграцияси;

- ташкилотларнинг халқаро миқёсда кенгайишга ва халқаро майдонда тобора каттароқ ўрин эгаллашга қаратилган стратегияси;
- товарлар, хизматлар, меҳнат, технология ва сармоянинг халқаро майдонда ҳаракатланиши;
- савдо, инвестиция, молия-иқтисод, маданият ва бошқа иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳукуматлар, ташкилотлар ва халқларнинг ўз мамлакатлари чегараларидан чиқиб, илгариликка интилиши;
- инсон капитали молиявий ва интеллектуал капитал учун дунёнинг энг катта иқтисодий нуқталарига интилиши;
- иқтисодий фаолият учун мамлакат чегаралари ва унинг жўғрофий жойлашиши каби жисмоний омилларнинг ўз аҳамиятини йўқотиб бориш жараёнлари кабилардир¹.

Глобаллашувнинг бугунги кунга келиб, катта аҳамият қозонишига яна бир қанча сабаблар бор: технологиянинг тез ривожланиши натижасида коммуникация ва ахборот алмашинувининг осонлашиши, транспортнинг тараққий этиши оқибатида мамлакатлараро юк ташиш ҳажмининг ортиши ҳамда туризмнинг ривожланиши. Бу ўз навбатида, компанияларга ривожланиш имкониятини яратади, қўшимча бозорлар очилишига олиб келади, маданият ва кадриятлар интеграцияси натижасида истеъмол турлари кенгаяди, халқаро бозорда рақобатни кучайтиради, янги хомашё манбаларини очиб беради ва инвестиция жараёнини кенгайтиради.

Бу глобал жараён ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир этиб, алоҳида мамлакатларни жаҳон ҳамжамияти билан боғлайди. Натижада, янги бозорлар (капитал, валюта бозори, суғурта бозори ва ҳоказо), янги воситалар (турли ахборот тизимлари, интернет, уяли алоқа) пайдо бўлади. Булар эса ўз навбатида, янги назорат воситаларини талаб этади. Ҳозирги пайтда иқтисодий ҳамкорлик, интеллектуал мулк, интернетдан фойдаланиш

¹ Многоликая глобализация. – М., 2004. С.104

соҳаларида янги халқаро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, мамлакатларнинг ички қонунлари ҳам уларга мослаштириб борилмоқда.

Глобаллашувнинг қуйидаги асосий белгилари мавжуд: халқаро савдонинг кенгайиши ва эркинлашиши халқаро капитал айланмаси ва унинг йўлидаги тўсиқларнинг бартараф этилиши, электрон коммуникация инқилоби натижасида молиявий муносабатларда содир бўлган чуқур ўзгаришлар, трансмиллий корпорациялар фаолиятининг кенгайиши, халқаро молиявий ва иқтисодий институтларнинг ташкил топиши.

Жаҳон миқёсидаги бундай умумий тараққиёт: одамлар дунёқарашининг ўзгариши, коммуникациялар юксалиши, халқаро муносабатларнинг ривож-ланиши ва унинг инсон ҳаётига таъсирини, давлатлар ва халқлар ўртасида бирлашишга интилишни кучайтиради, айтилиши ва миллий хусусиятлар, анъаналар ва маънавий меросни сақлаб қолиш орқали мустақил сиёсий тамойилларни ишлаб чиқиш зарурлигини ҳам кўрсатади.

Бугунги аҳвол халқаро ташкилотлардан энг йирик муаммоларга аҳамият беришни, жараёнлар ичига кириб боришини, таъсир доирасини кенгай-тиришни талаб этмоқда. Бироқ, чуқурроқ фикр юритилганда, “глобализация” жаҳон тараққиётига кўрсатадиган ижобий таъсир билан бир қаторда чуқур тафовутларни ҳам ўз ичига оладики, бу тафовутлар эътиборга олинмаса, улар жаҳон тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ҳолатни қуйидагиларда кўрамиз: биринчидан, бу баъзи мамлакатларнинг технологик ютуқлар соҳасида мутлақ биринчиликни қўлга киритганлиги асосида сайёрамиз захиралари ҳам, иқтисодий фаолият ҳам жаҳон миқёсида транснационал корпорациялар томонидан бошқарилиш тизими шаклланаётгани ва тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги бўлса, иккинчидан, ҳозирги даврда глобализация дунёда ижтимоий тенгликка эришишни енгиллаштирмайди, аксинча, буни қийинлаштиради. Ривожланган мамлакатлар аҳолисининг даромадлари ривожланаётган

мамлакатлар аҳолисинининг даромадига нисбатан ўсиб бормоқда. XX аср бошида дунё аҳолисининг энг бой мамлакатларда истиқомат қиладиган бешдан бир қисмига тегишли давлат билан энг қашшоқ мамлакатларда яшовчи бешдан бир қисмига тегишли бойлик орасидаги нисбат 11:1ни ташкил қилган бўлса, 1960 йилда ушбу фарқ 30:1 нисбатни, 1990 йилга келиб эса-60:1 нисбатга кўтарилган бўлса аср охирида у 74:1 нисбатни ташкил қилди ва ҳамон бу нисбат жадал ортиб бормоқда. Ушбу тамойилнинг асосий сабабларидан бири ривожланаётган мамлакатларда аввало хом ашё товарларига асосланганлиги, қолгани эса ишлаб чиқариш ва экспорт орқали шаклланганлигидир.

Учинчидан, глобал иқтисодий жараёнларнинг таъйиқига бардош бера олмай, узок вақт мобайнида жаҳон силсиласининг “қуйи қаватлари”дан чиқиб кета олмаётган мамлакатлар жиддий ижтимоий ва фуқаровий низоларнинг хавфи остида қолаётганлигидир. Африканинг баъзи мамлакатларида доимий равишда кечаётган маҳаллий, фуқаро урушлари, давлат тўнтаришлари, бир қатор Осиё ва Лотин Америкаси давлатларида ҳукм сураётган беқарорлик бунинг ёрқин мисолидир.

Тўртинчидан, жаҳондаги иқтисодий ва ижтимоий фарқ энг қашшоқ мамлакатлардан бадавлат мамлакатларга томон тобора ортиб бораётган аҳоли кўчиши (миграция) оқимини туғдирмоқда. Малакали кадрларни тайёрлаш бўйича харажатлар ривожланаётган мамлакатлар зиммасига баъзи муаммоларни келтириб чиқаради.

Бешинчидан, замонавий мулоқот воситалари ёрдамида улкан молиявий бозорга айланган жаҳон молия бозори алоҳида аҳамият касб этмоқда¹.

Буларнинг барчаси нафақат ривожланаётган, балки бошқа давлатлардаги кўпгина одамлар глобализацияни эҳтиёткорлик билан қабул қиладиганининг сабабини изоҳлайди. Глобализацияни четлаб ўтиш мумкин

¹ Многоликая глобализация. – М., 2004. С.106-107.

эмас, у жамият тараққиётидаги тарихий жараёндинр. Лекин глобализациянинг жамиятдаги муайян унсурлар ва тузилмаларга салбий таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик XXI аср халқлари ва давлатлари олдида турган муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Глобаллашувнинг ҳозирги даврда уч манбаи мавжуд: коммуникация воситаларидаги туб ўзгаришлар; инвестициялардаги янги жараён; дунёга янгича қарашнинг вужудга келиши. Глобал иқтисодий жиноятчиликнинг барча шакллари – наркобизнес, жиноий капиталларни “ювиш”, халқаро коррупция билан қатъий курашни уюштириш кабилардинр.

Ўзбекистон ўзининг стратегик мақсадларини амалга ошириш учун кўплаб тадбирларни муваффақиятли ҳаётга тадбиқ этмоқда. Бу мақсадга эришиш ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиётга асосланган миллий тизимини ишлаб чиқишни талаб этади. XXI асрда умумбашариятни мана шундай мақсад сари йўналтириш ҳаётий заруриятга айланади.

Бу вазифаларни мамлакатлар қандай бажараётганлигини назорат қилиш ЮНИСЕФга юклатилган. ЮНИСЕФнинг фаолиятини тўлақонли олиб боришда кўмаклашаётган марказ ходимлари ўз тадқиқотларида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолининг фаровонлиги ошиб борганлигини эътироф этган ҳолда, бу фаровонликнинг ошиши барқарор иқтисодий ўсишга таянганлигини алоҳида қайд қиладилар. Уларнинг маълумотига кўра, Ўзбекистонда ички маҳсулотнинг ўсиши 2005 йилга келиб 1989 йилдагига нисбатан 108,8 фоизни ташкил этди. Аини чоғда бу кўрсаткич Молдовада - 34,8; Россияда - 64,3; Қозоғистонда 85,6 фоизга тенгдинр¹.

Ўзбекистоннинг бу даражага эришувининг сабаби: инсонни улуғлаш ва эъзозлаш билан чекланмасдан, бу ғояни бозор муносабатларига ўтиш даври шарт-шароитларида, қонун-қоидалари, ҳаракат дастури ва уни рўёбга чиқариш усулларида ҳам тўла акс эттира олганлигида. Мана шу тамойилга асосланиб, Ўзбекистон ўзига хос ва мос йўл танлади. Бу йўл ҳақли равишда

¹ www.fikr.uz

таъкидлайди Ислом Каримов, "сохта инқилобий сакрашларсиз, фожеали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш - танлаб олинган йўлнинг асосий мазмун ва моҳиятидир".

Шунингдек, глобаллашув Ўзбекистон учун бир қатор умумбашарий муаммоларни жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда ҳал этишни ҳам вазифа қилиб қўйди. Улар қуйидагилар:

- ер юзида ялпи тинчликни сақлаш, термоядро урушининг олдини олиш ва адолатли халқаро иқтисодий тартибот ўрнатиш;
- атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш (экологик муаммо);
- аҳоли сони ва таркиби билан моддий ва маънавий қадриятлар яратилиши мутаносиблигига эришиш (демографик муаммо);
- ер юзи аҳолисини зарур озиқ-овқат ва қувват манбалари билан ишончли ва барқарор таъминлаш;
- очлик, қашшоқлик ва қолоқликни тугатиш учун юксак даражада ривожланиш ҳамда ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги кескин фарқни бартараф этиш;
- хавфли касалликларни тугатиш;
- инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш, гендер тенглигини таъминлаш;
- жаҳон маънавий муҳити софлигини таъминлаш (этикология муаммоси);
- терроризм, диний экстремизм ҳамда фундаментализмга, наркобизнесга қарши кураш ва бошқалар¹.

Глобал муаммоларнинг келиб чиқиши, мавжудлиги ва ҳал этилиши зарурати – инсоният жамияти янги цивилизациявий сифат ўзгаришни тақозо этмоқда. Зеро, ўн ва ҳатто юз йиллар давомида ўзгармас бўлиб кўринган

¹ <http://www.faylasuf.uz/index.php/nazariy/zamonaviy-muammolar/globalistika>

ижтимоий муносабатлар ғоят қисқа вақтда тубдан ўзгармоқда. Бу ҳол кишилар ҳаёти қатламларининг барча бўғинларида кўринмоқда. Кўламига кўра, бу жараён бирон минтақани четлаб ўтмайди.

Демак, глобализацияга тўғри ёндошув тараққиётни тезлаштиради, тинч-тотувлик, ижтимоий барқарорлик ва сиёсий мавқега эгаликни таъминлайди. У такомиллаша боради, биринчи навбатда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тезлашади. Айниқса, савдо, молия ва ишлаб чиқаришда давлатлар, корпорация ва шахслараро алоқалар кучаяди, натижада халқаро фуқаролик жамияти шаклланади

1.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Илом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўллариининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон ҳўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати – жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён

қилиб берилган эди. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб, республикамиздаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган. Асарда Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг қуйидаги энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилган:

1) мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

2) таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

3) қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;

4) аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

5) мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

6) банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш¹.

Юртимизда жаҳон инқирози оқибатларини бартараф қилиш борасида комплекс чора-тадбирлар дастури режалаштирилиб, амалга оширилди. Ўзбекистоннинг тутган йўли нақадар пухта ишлаб чиқилганлиги ва бу борадаги амалга оширилган ишларнинг самаралари жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди. Бу ҳақда Тошкентда ўтказилган халқаро форумда ҳамда Президентимиз билан учрашувларда Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий тадбиркорлар, банк тизими ходимлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, тасраққиётнинг “ўзбек модели”ни эътироф этишди.

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Илом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг

¹ www.insonvaqonun.uz

пuxта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди. Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат — миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади. Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати — жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади. Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар

Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Президентимиз ўз асарларини бугунги куннинг энг долзарб муаммоси — бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат эканлигидан бошлаб, жаҳон молиявий инқирозининг мазмун-моҳияти, келиб чиқиш сабабларига батафсил тўхталиб ўтдилар. «Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»¹.

Шу ўринда, жаҳон молиявий инқирозининг юзага келишида асосий сабаб — молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши ҳисобланишини таъкидлаш лозим. Пул муомаласи қонунларидан маълумки, иқтисодиёт соғлом ва барқарор амал қилиши учун муомалага чиқарилаётган пул массаси билан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажми ўртасида муайян нисбатга амал қилиниши лозим. Президентимиз ўз асарларида дунёнинг ҳозирги вақтда

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б

бир қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларини умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Яъни, «Биринчидан, молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда»¹. «Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади»². Ривожланган мамлакатлар, айниқса, АҚШ давлат ташқи қарзи миқдорининг ўсиб борганлиги ва уни ЯИМга нисбатан салмоғи ўсганлиги инқирозни кучайишининг асосий омилларидан бири бўлди. Бу борада Ўзбекистон Республикасида ижобий тенденция кузатилмоқда. Яъни, амалга оширилган оқилона иқтисодий сиёсат натижасида ташқи қарзларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 2005 йилдаги 29% дан 2008 йилда 13,3% га қадар қисқарган.

Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида келиб чиққан қуйидаги учинчи хулосани таъкидлаб ўтдилар: «Учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.

² Ўша жойда, 10-б.

давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада — мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ»¹.

Шу ўринда жаҳон молиявий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири қандай бўлди, деган савол барча юртдошларимизни қизиқтириши табиийдир. Бу борада Президентимизнинг «... тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим — Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади»² деган сўзларини яна бир бор эсга олиш муҳимдир. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнларидаги иштироки ҳам ушбу инқироз оқибатларининг маълум даражада иқтисодиётимизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлигидан дарак беради. Президентимиз ўз асарларида инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари — белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар. Биринчидан — корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: Ўзбекистон, 2009, 10 б.

² Ўша жойда, 11-б.

кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Иккинчидан — жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш. Учинчидан — қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш. Шу мақсадда яқинда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим. Тўртинчидан — электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш. Бешинчидан — жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда ҳамда иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи ошиб бормоқда. Бунда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, уларни амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бу йўлдаги ютуқ ҳамда марраларнинг салмоқли бўлишига имконият яратмоқда.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмунини жиҳатидан олдинги босқичлардан тубдан фарқ қилмоқда. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат — миллий иқтисодиётларнинг

тобора интеграциялашуви ва глобаллашувидир. Бу эса ҳар бир мамлакатнинг ҳалқаро иқтисодий муносабатларда ўз мавқеини мустаҳкамлаши учун саъй-ҳаракатлари кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Глобаллашув жараёнлари жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Умуман олганда, глобаллашув жараёнлари жаҳон ҳўжалигининг иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи ҳисобланиб, янги имкониятларни очиб беради. Лекин, глобаллашув жараёнини мутлақлаштириш, унга бир томонлама қараш тўғри бўлмайди. Чунки, мазкур жараён ўзининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда зиддиятли томонларига ҳам эга. Жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзалар муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши шулардан биридир. Хусусан, ҳали-ҳануз давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг оқибати ҳисобланади.

Шу ўринда Президентимизнинг “Ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақсадида кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилмоқда ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсда рецессия ҳолатига, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкин”, деган таъкидида муҳим аҳамият касб этади.¹

Мазкур жараённинг мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги ҳамда аҳоли фаравонлигига таъсирини имкон қадар камайитириш борасида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон дунёдаги санокли давлатлар қаторида инқироз таъсири четлаб ўтди.

¹ Мирзаев Б.О. Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш тараққиёт омили 25.04.2012 | Номер: №47(1458) // <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/>

Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида жумладан, бундай дейилади:

“Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир”.

Бу эътироф Президентимиз томонидан 2011 йилнинг асосий йукунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган. Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳам таъкидлаб ўтилди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000–2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти мустақилликни қўлга киритишимизга қадар, асосан собиқ Иттифоқ республикаларини хом ашё ресурслари билан таъминлашга йўналтирилган эди. Истеъмол маҳсулотларининг асосий қисмини республикаимизда ишлаб чиқариш имконияти мавжудлигига қарамасдан, улар четдан келтирилар эди.

1990 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 805,6 миллион долларни, жумладан, экспорт – 442,7 миллион долларни, импорт – 362,9 миллион долларни ташкил этган. Ижобий сальдо эса 80 миллион доллар атрофида бўлган эди. Ўтган 20 йил мобайнида ташқи савдо айланмаси 27,1 баробар ўсди, шу жумладан, экспорт ҳажми – 29,5 баробар, импорт – 24,2 баробар ошди. Бу жараёнда ташқи савдонинг ижобий сальдоси 53 баробар ортиб, олтин-валюта захираларининг юқори даражада ўсиши ва миллий валюта барқарорлигини таъминлади.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг самараси ҳақида сўз юритар эканмиз, шуни тан олишимиз керакки, бу йўналишда эскидан қолган ва ҳали-бери рўй бериб келаётган оқсоқлик ҳолатлари борлиги, биринчи навбатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада сақланиб қолаётгани аён бўлади.

Ҳозирги глобаллашув ва кескин рақобат шароитида маҳсулотларимизнинг жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобатбардош ва харидоргир бўлишида, ҳамда мустаҳкам ўрин эгаллашида қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- табиий ресурслардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш;
- маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш;
- юк ташиш, логистика тизимини такомиллаштириш;
- ҳар бир корхона ўзининг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиши ва уни ривожлантириш;
- инсонларнинг интеллектуал ва ишлаб чиқариш салоҳиятларидан самарали фойдаланиш.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан самарали ташқи иқтисодий сиёсат олиб борилиши ташқи иқтисодий алоқаларни жадал суръатларда ривожланишини таъминламоқда. Ушбу барқарор ривожланиш суръатларини таъминлаш Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида муносиб ўрин эгаллашида муҳим аҳамият касб этади.

2-БОБ. ГЛОБАЛИЗМ ТАҲДИДЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

2.1. Ахборотлашган жамият тараққиёти ва глобализм даври таҳдидлари

Ахборот давлат ва жамият ривожланишининг муҳим омилидир. Ахборот асрида жамият ахборотсиз яшай олмайди. Дунё ягона ахборот маконига айлаган бир паллада ундан “ҳоли” бўлиш ҳам мумкин эмас.

Мамлакатимизда ҳам жамиятни ахборотлаштириш қонун билан белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни 4-моддасида ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра:

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;
- давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;
- халқаро ахборот тармоқлари ва интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

- давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашнинг таъминлаш;
- ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;
- ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга қўмаклашиш;
- дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;
- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит яратиш;
- кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантиришдан иборат¹. Булар юртимизда ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини тўлақонли амалга оширишга хизмат қилади².

Очиқ айтиш керакки, собиқ мустабид тузум даврида ОАВга оид бирорта қонун йўқ эди. У даврда “бундай қонунга эҳтиёж йўқ”, деган тушунча бўлар, ОАВ ва жамият ривожини ҳам шунга яраша ҳаминқадар эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ахборотлаштиришнинг қонуний базаси мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги ва “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, 1997 йил 24 апрелда “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, 1997 йил 26 декабрда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, 2002 йил 12 декабрда “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, 2003 йил 11 декабрда

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни. Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008. – 50 б.

² www.lex.uz

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, 2007 йил 15 январда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонунлари қабул қилинди. Шунингдек, “Реклама тўғрисида”ги (1998 йил 25 декабрь), “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги (1999 йил 20 август) қонунлар ҳам моҳиятан кўп жиҳатдан ОАВ билан боғлиқ. Уларнинг барчаси жамиятимизда муҳим ижтимоий воқеликка айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 июлдаги “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида халқимизнинг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш йўлида муҳим қадам бўлди. Фармоннинг 4-бандида “Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигига цензура, таҳрир қилиш, тақиқлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятига ўзгача тарзда ғайриқонуний аралашиш қатъиян ман этилади” деб белгилаб қўйилди.

Маълумки, ахборот инсоннинг доимий эҳтиёжига айланган. Ҳар куни ўнлаб телеканаллар, радиоэшиттиришлар, газеталар ва интернет орқали қанча ахборотларга эга бўлишидан қатъи назар яна ахборот кутиб яшайди. Юртимиз истиқлолга эришганидан буён халқимизнинг ахборотга бўлган ғоят катта эҳтиёжини қондириш борасида улкан вазифалар амалга оширилмоқда. Агар бундан ўн беш йил олдин республикамызда 475 та оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда бу рақам 1156 тани ташкил этмоқда. Жумладан, 702 номдаги газета, 244 номда журнал, 19 номда бюллетень-ахборотномалар, 79 та телерадио тармоқлари, 108 та веб-сайт, 4 та агентлик¹ оммага тезкор ахборотлар етказмоқда.

¹ Қаранг: Шерзод Ғуломов. Миллий матбуотимизда янги босқич. //Ўзбекистон матбуоти, 2010 йил, 1-сон, 22 б.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Лицензиялашни ташкил этиш бошқармаси маълумотларида қайд этилишича, ҳозирги кундаги глобаллашув жараёнининг кучайиши, ахборот алмашинувининг кенгайиши натижасида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари фаолиятида ҳам тубдан сифат ўзгаришлари, яъни тезкор ва пухта ишланган маълумотларни ўз вақтида узатиш, тўғридан тўғри кўрсатув ва эшиттиришларни ишлатишдек масъулиятли вазифаларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Демакки, матбуот ва телерадио ходимлари, интернетдаги веб-сайтлар мутасаддилари ижодий фаолиятлари самарадорлигини тобора ошириб боришлари тақозо этилади. Халқимизнинг кундалик ахборотга бўлган эҳтиёжларини имкон қадар қондириб бориш абадул-абад давом этадиган муҳим жараёндир.

Яна шуни айтиш жоизки, халқимиз, айниқса ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжлари қанчалик тўлақонли қондирилса, улар чет эл радиоларига, интернетдаги олди-қочди гапларга шунча камроқ қулоқ тутадилар. Назари тўқ одам ҳар хил майда-чуйдаларга суқланмагани каби ҳар кун итарли даражада ахборотга эга бўлган шахс четдан келадиган олди-қочди гапларга деярли эътибор бермайди. Қулоғига кирган тақдирда ҳам ўша ишончсиз ахборот таъсирга тушиб қолмайди. Демак, жамиятнинг тўлақонли ахборотлашиши амалда одамлар, айниқса ёшларни ҳам бузғунчи ғоялардан ҳимоялашга хизмат қилади.

Бугун кенг жамоатчиликка, айниқса талабчан ёшларга қандай ахборотлар зарурлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Улар мамлакатимизда ва жаҳонда юз бераётган энг муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний ахборотга эга бўлиб боришни истадилар. Шундай ахборотлар ўз вақтида етказилмаса, қандайдир маънавий бўшлиқ пайдо бўлиши шубҳасиз. Қаердаки маънавий бўшлиқ пайдо бўлдимиз, четда пайт пойлаб юрган кимсалар бузғунчи ғояларини тикиштиришга ва ёшлар онгини захарлаш ҳаракат

қиладилар. “Бундай кучларнинг ғаразли муносабати аввало бой ва қадимий маънавиятимизга қарши қаратилгани, улар халқимизни ана шу бебаҳо бойликдан жудо қилиш учун ҳар хил усул ва воситалар билан зўр бериб уринаётгани барчамизни ташвишлантирмасдан қолмайди, албатта,— деб таъкидлайди давлат раҳбари.— Нега деганда, инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”¹. Дарҳақиқат, бу ҳол тарихда кўп бора тасдиғини топган. Буни собиқ мустабид тузум даврида она тилимизга, динимизга, урф-одатлар, маросимлар, миллий байрамларимизга қилинган тажовузлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Аслини олганда ҳар бир миллат ё халқ маънавияти унинг тақдирига айланиб, ёш авлод келажаги йўлида ғоят муҳим ўрин тутишини ҳаёт ўзи исботламоқда.

Бу борада ҳозирги давр глобаллашув жараёнлари, глобализм ва глобализациянинг таҳдидлари жаҳондаги деярли барча мамлакатлардаги ОАВ билан бирга, Ўзбекистон журналистикасига кўрсатаётган энг жиддий салбий таъсирларидан бири бу республика ОАВларининг фақатгина истеъмолчига айланиб қолаётганидир. Мисол учун, Ўзбекистон телевидениесининг бутун мамлакат бўйлаб эфирга тарқалувчи дастурларининг 2004 йил 1 январдан 30 июнгача бўлган таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ЎзТВнинг тўртта каналлари ичида фақатгина ЎзТВ1 (“Ўзбекистон” канали) кўрсатувларининг аксариятини ушбу каналнинг ўзи тайёрлаган кўрсатувлар ташкил этади. Яъни, 6 ойлик даврда ушбу каналнинг умумий эфир вақти 2938 соатни ташкил қилган бўлса, шундан 2304,32 соатини, яъни 78,4% кўрсатувлари ўз маҳсулотларининг эфир вақтига тўғри

¹ Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 11 бет

келади. Бу кўрсаткич қолган учта каналда, яъни ТВ2да 51,4%ни, ТВ3да 45% ва ТВ4да 25,7%ни ташкил этади¹.

“Ўзбекистон” каналида чет эл филмлари ва кўрсатувлари жами эфир вақти 581,35 соатни ёки 19,7% фоизини ташкил этган. ЎзТВ1 телеканалининг кўрсатувлари эфирида энг кам эътибор қаратилгани чет эл спорти ҳақидаги кўрсатувлардир.

Шунингдек, Ўзтелерадиокомпаниянинг ҳар тўртала каналидаги дунё янгиликларининг деярли 99% чет эл ахборот агентликлари ва телерадиокомпанияларининг дастурларидан ноқонуний тарзда кўчириб олинган ахборотлардан иборатдир. Бунинг устига, ўзбек ОАВларининг таъсир доираси чекланган. Ўзбекистон телеканаллари ва радио станцияларини фақатгина мамлакат билан чегарадош бўлган Марказий Осиё республикалари аҳолисигина кўриши ва эшитиши мумкин. Бу эса Ўзбекистондаги ахборот макони ва ижтимоий онгнинг тўғридан тўғри Россия ва Ғарб ОАВлари таъсири остида қолишига сабаб бўлмоқда ҳамда Ўзбекистон ОАВларининг халқаро миқёсдаги ўз ўрнига эга бўлишини тобора қийинлаштириб қўймоқда.

Ахборот асри сифатида талқин этилаётган янги юз йилликда ахборот-коммуникатсия технологиялари, хусусан интернетнинг шиддат билан ривожланиб бораётганлиги инсоният тараққиётига янгича мазмун ва моҳият ато қилди. Давлат ва жамият ривожланишининг мазкур янгича шакли “электрон” борлиқ кўринишида характерланиб, унинг келажагини алоқа тармоқлари орқали бутун дунёни ягона ахборот маконига айлантираётган миллионлаб байтлар ва битлар ҳал қилмоқда. Интернет давлат ва халқлар ўртасидаги ахборот алмашишни мисли кўрилмаган даражада тезлаштирди, дунёни инсоният учун том маънодаги ягона глобал маконга айлантирди.

Шунингдек, мазкур вазият давлатларнинг ОАВга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. ОАВнинг миллийлигига раҳна солувчи ҳозирда одатий

¹ <http://www.faylasuf.uz/index.php/nazariy/zamonaviy-muammolar/globalistika>

ҳолга айланиб бораётган, кўпроқ Ғарбга хос бўлган порнографик, ваҳшийлик, наркомания, фоҳишабозлик каби иллатларни ўзида акс эттирган дастурларнинг берилиши кучаймоқда. Бу эса, ўз навбатида, миллий ОАВнинг миллий қадрият ва маданият тушунчасидан йироқлашиб, дунёнинг йирик медиакорпорациялари маҳсулотларига мурожаат қилиб, ахборот соҳасида ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчига айланиб қолишига олиб келади. Миллий ОАВ ва журналистика хорижий (асосан Ғарб) ахборот маҳсулотларига боғланиб қолмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ОАВлари ҳам дунё янгиликларига оид ахборотларни узатишда бутунлай чет элнинг йирик корпорацияларига суянади, миллий қадриятларни ўзида акс эттирган кўрсатувлар берилиши ўрнига хориж сериаллари, кинолари, спорт кўрсатувлари ва мусикий дастурларини ҳаддан ташқари кўп вақт эфирга узатиш жамиятимиз учун бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради:

— чет эл мафкураси, дунёқараши ва ҳаёт тарзини омма онгига сингдириб, миллий қадриятлар ва анъаналарга эътиборнинг пасайишига олиб келади;

— хорижий ахборот оқимларида мавжуд бўлган ғарбона эркин жинсий ҳаётни, зўравонлик, уруш ва қотилликлар, худбинлик, бойликпарастлик, ота-онани ҳурмат қилмаслик, ичкиликбозлик, тамаки маҳсулотлари ва наркотик моддаларни истеъмол қилишга муккасидан кетган шахслар ва шунга ўхшаш ҳолатлар ижтимоий онгга, айниқса, ёшлар тафаккурига салбий таъсир кўрсатади;

— Ғарб манфаатларини ҳимоя қилувчи ахборот оқимлари ўзбек жамиятининг миллий эстетикаси, ахлоқ меъёрларига ва менталитетига, ёшларга миллий мафкурани сингдириш учун қилинаётган кўпгина ишларнинг самарадорлигига путур етказди;

— Миллий ОАВ маҳсулотларига бўлган талабнинг пасайишига олиб келиши;

— Миллий журналистика тараққиётини секинлаштириши мумкин;

— Миллий ахборот маконини ва онгни ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан чет эл мафкураси таъсирига тушиб қолишига олиб келади;

Глобаллашув жараёнининг бундай салбий таъсирларини камайтириш учун бир қатор муаммолар ечимига эътибор қаратиш лозим. Аввало, сўз ва ОАВ эркинлигини қоғозда эмас, балки амалда таъминланишига эришиш, ОАВ соҳасида ҳам тўлақонли бозор муносабатларига ўтиш ва унинг тартибга солиш тизимларини ишлаб чиқиш, ОАВ ва журналистика соҳасидаги миллий кадрларни тайёрлаш сифатини яхшилаш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ҳам Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида қилган маърузасида бугунги кунда республикада сўз эркинлигини таъминлашнинг жамиятимиз ривожига учун ўта муҳимлигини, ОАВ соҳасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш лозимлигини, ички ва ташқи сиёсатдаги мураккаб масалаларни чуқур тушунадиган ва таҳлил қила оладиган, ўз касбини чинакам устаси бўлган юқори малакали журналистларга катта эҳтиёж борлигини таъкидлаб ўтган эди.

Хуллас, бу ўринда шуни айтиш мумкинки, глобаллашув жараёни инсониятнинг, хусусан, ОАВнинг ривожланиши учун (ўзининг барча таъсир ва оқибатларига қарамасдан) жуда қулай имкониятлар яратиб бермоқда. Хусусан, Ўзбекистон ҳам глобаллашувнинг бундай имкониятларидан фойдаланиб, жаҳон ҳамжамиятига янада тезроқ интеграциялашмоқда ва халқаро ахборот алмашиш жараёнларида фаол қатнашмоқда. Аммо глобаллашув жараёнида “жабрланувчи”га айланиб қолмаслик учун Ўзбекистон ижтимоий онгни ва миллий ОАВни тезроқ эркинлаштириши, ахборот бўшлиғи юзага келишига йўл қўймаслиги лозим. Негаки, кучли ижтимоий фикр ва ОАВ жамиятни глобаллашувнинг сиёсий-иқтисодий ва мафкуравий тазйиқлардан ҳимоя қилишда энг самарали ҳимоя воситаси бўла олади.

Тараққиёт йўлини танлаган давлатларда ахборотлашиш қанчалик муҳим ўрин тутаётгани кузатилмоқда. Бугун жамият қанчалик ахборотлашса, унинг миллий манфаатларига хизмат қиладиган ахбороти шунчалик устувор даражада бўлади. Бундай ахборот ўзга ахборотлар таъсирини пасайтиради, таъбир жоиз бўлса, уни йўққа чиқаради. Ахборотлашган жамиятда ОАВнинг ўрнини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларининг жамият тараққиётидаги ўрни, медиа-тузилмалар ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг замонавий йўллари муҳокама қилиш, миллий журналистиканинг энг яхши анъаналарини ривожлантириш, юртимизнинг жаҳон ахборот майдонидаги мавқеини оширишга кўмаклашиш, янгиланаётган жамиятда журналистнинг роли, вазифалари ва масъулиятини холис баҳолаш мақсадида анъанавий равишда тегишли тузилмалар билан ҳамкорликда медиафорум ўтказиб келмоқда¹. Бундан ташқари ҳам ахборотлаштириш тизимини ривожлантиришга хизмат қиладиган жуда кўп тадбирлар ўтказиб келинади. Мақсад – ахборот истеъмолчиларининг талаб ва истакларини қондириб бориш.

Жамият ҳар қанча ахборотлашган бўлишига қарамай баъзи кишилар тўғри, ҳаққоний ахборот ўрнига турли олди-қочди, салбий ахборотларга ўзгача эътибор билан қарайдилар. Бундай ҳол айрим ёшлар орасида кўпроқ учрайди. Чунончи, баъзи давраларда “мен Ўзбекистон телевидениесини кўрмайман”, “ўзимизнинг газеталарни ўқигим келмайди” қабилида фикр юритадиганлар ҳам кам эмас. Таассуфки, шундай кимсалар “эхтиёжи”ни яхши англаган баъзи хорижлик устамонлар атай уларбоп ахборотларни қалаштириб ташлашга ҳаракат қиладилар. Улар ўзларини гўё ҳақиқатни ошкор этаётгандек қилиб кўрсатиб, аслида чиройли ниқобланган ахборот хуружини усталик билан амалга оширадилар. Бу билан соддадил кишиларни,

¹ Қаранг: Ахборотлашган жамиятда ОАВ ўрни. //Моҳият, 2008 йил 26 сентябрь

ишонувчан ёшларни аврашга уринадилар. Бу саъй-ҳаракатлар замирида қандай мақсадлар ётгани сир эмас. “Ҳар томонлама чуқур ўйланган, катта молиявий ва моддий манбаларга эга бўлган бундай ҳаракатларнинг ортида қандай мақсадлар турибди, улар учун бу қадар кўп куч ва маблағ сарфланаётганини қандай изоҳлаш мумкин, бу ҳақда нега айнан бугун сўз юритишга, жамиятимиз, халқимиз эътиборини бу муаммога қаратишга мажбур бўляпмиз, деган саволлар кўпчиликини қизиқтириши табиий, албатта,— деб таъкидлайди давлат раҳбари.— Аввало, бундай хатти-ҳаракатлар замирида ўз ҳаёти ва келажагини ўз қўли билан барпо этаётган давлатлар, жумладан, Ўзбекистонга нисбатан муайян сиёсий марказлар томонидан турли хил фалсафий, мафкуравий, информацион воситалардан усталик билан фойдаланган ҳолда таъсир ўтказиш, ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ўғил-қизларимизни танлаган йўлидан оғдириш, уларнинг қалбига биз учун мутлақо бегона ва зарарли бўлган қарашларни сингдириш, маънавий илдиз ва томирларимиздан жудо қилишдек ғаразли интилишлар яширингани бугун тобора аён бўлмоқда”¹.

Дарҳақиқат, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай ахборот хуружи ва “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдидлар мамлакат хавфсизлигига, халқимиз миллий манфаатларига катта зарар етказади. Пухта ўйланган бундай ғайришуурий ҳаракатлар соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин. Аслида вайронкор ғоялар билан яшайдиган ғанимларнинг муддаолари ҳам шу.

Мутахассислар фикрича, ахборотлашув жараёни жамиятдаги иқтисодий ҳамда ижтимоий-маданий ўзгаришларга жиддий таъсир кўрсатади. Чунончи, ғарб социологлари фикрига кўра, ахборотлашган жамият техника соҳасида — ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, таълим ва маиший

¹ Қаранг: Каримов И.А. Энг асосий мезон — ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. —Т.: Ўзбекистон, 2009. — 6-7 бетлар

ҳаётга ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши, иқтисодий ҳаётда – ахборотнинг товарга айланиши, ижтимоий ҳаётда – ахборот турмуш, ҳаёт даражаси ўзгаришининг асосий омилига айланиши, сиёсий соҳада – кенг миқёсда фикр алмашишга замин яратувчи хилма-хил ахборотларни эркин олишга йўл очилиши, маданият соҳасида – ахборот алмашинуви давр эҳтиёжларига жавоб берадиган нормалар ва қадриятларнинг шаклланиши билан характерланади.

Айни пайтда ахборотлашган жамият:

- уйда ишлашнинг кенгайишига, транспорт ҳаракатининг камайишига ва бунинг оқибатида табиатга тушадиган “юк”нинг кескин қисқаришига олиб келади;

- иш кунининг қисқариши одамларнинг уйда кўпроқ бўлишига ва оилавий муҳитнинг барқарор бўлишига замин яратади;

- кейинги юз йилликларда кишилар шаҳар яшаш ва ишлаш учун энг қулай макон, деган хулосага келдилар. Ахборотлашув жараёни эса, қишлоқдан туриб ҳам бутун олам билан мулоқот қилиш, энг обрўли ташкилотларда ишлаш, шаҳар аҳолиси баҳраманд бўлаётган маданият ютуқларини истифода этиш имкониятини яратади. Бу эса, ўз навбатида нисбатан осуда ва тинч бўлган, табиатга яқин қишлоқларга қайтиш ёки у ерда доимий қолиш учун замин яратади;

- маълумотлилик кўп даражада инсоннинг ҳоҳиш-иродасига боғлиқ бўлиб қолади¹.

Шу билан бир қаторда ахборотлашган жамиятда қатор муаммолар ҳам юзага келаверади. Маданият янгиликлари ҳақида гап кетганда телевизорда (айниқса Россия каналларида) намоиш этилаётган ҳаёсиз фильмлар ҳақида гапирмай бўладими? Ҳозирги пайтда кечаю-кундуз узлуксиз кўрсатувлар берилаётган каналларнинг бирида шунақа фильм тугаши билан иккинчисида

¹ Қаранг: Очилдиев А. Ахборот ва жамият тараққиёти. /Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурулиши академияси жорий архиви, 2006 йил

янгиси бошланади. Миллион-миллион томошабинлар, айниқса ёшларнинг маънавий оламига беҳаё ёки ур-йиқит, беаёв қон тўкиш каби манзаралар қай даражада таъсир кўрсатишини ҳам ўйлаб қўриш зарур.

Интернет орқали тарқатиладиган “порнографик” суратлар, ғайриинсоний лавҳалар ёшлар онгига салбий таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. “Оммавий маданият” ниқоби остидаги бошқа хуружлари ҳақида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. Булар ўзига хос “санъат ахбороти” бўлиб, ёшлар онгига таъсир кўрсатиш даражаси анча юқори эканлигини унутмаслик даркор.

Жамиятимизда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бу борада аввало жамоатчилик фикрини теран ўрганиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда айтиш жоизки, жамоатчилик фикри давлат ва жамият хавфсизлиги ҳамда барқарорлигини таъминлашда жуда муҳим ўрин тутади. “Ривожланган мамлакатларда жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг умумий (оммавий ахборот воситалари, телевидение, реклама, шоу дастурлар) ва горизонтал (жамоат ташкилотлари, оила, норасмий лидерлар, корхоналар, партиялар) йўналишларига амал қилиб келади,— деб ёзади тадқиқотчи Дилдора Шукурова.— Бугунги кунда ахборот тарқатиш асосан, билвосита услублар орқали, яъни, санъат ва маданият, саноат маҳсулотлари, таълим тизими орқали амалга оширилмоқда. Ахборот хуружларига қарши кураш жамоатчилик фикри социологияси фанини ривожлантиришни тақозо этади”. Муаллиф таъкидлаганидек, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида ўтган беш йил мобайнида 103 та махсус социологик сўровлар ўтказилиб, 130 мингдан зиёдроқ киши тадқиқотларга жалб этилган. Демакки, Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш борасида янада самарали натижаларга эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда дунёга тарқатилаётган ахборотларнинг 80 фоизга яқини ривожланган давлатлар таъсири остида амалга оширилади. Глобал ахборот тармоқлари ривожланган давлатларга ўзига хос геосиёсий устунлик тақдим этибгина қолмай, бу бошқа давлатларга нисбатан сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий тажовузларни ташкил этишда қудратли кучга айланмоқда. Натижада кўплаб давлатлар, жумладан, юртимиз миллий хавфсизлиги, осойишталиги ва барқарорлигига турли таҳдид ва ахборот хуружлари амалга оширилмоқда. Демак, ҳаётимиздаги энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш йўлида давом этаётган мафкуравий кураш. Айрим қудратли давлатлар ўз мақсадларига эришиш учун ўзларининг мафкуравий таъсирини ўтказишга ҳаракат қиладилар. Одамлар онгини бу тариқа қарам қилишларига қарши аввало санъат ва маданият ходимлари, шоиру адиблар, журналистлар дадил курашаётгани эътиборга моликдир. “Ижодий тафаккур – тараққиётнинг муҳим омили,— деб ёзади Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров.— Қай бир халқ ижодий тафаккурдан мосуво бўлса, таназзул гирдобига ботмоғи ҳам аниқ. Ана шу жиҳатдан, мамлакатимиз раҳбарининг ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, “оммавий маданият” ниқоби остидаги зарарли хуружлар таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бораётгани ҳақидаги фикри биз ижодкорларга улкан масъулият юклайди”¹. Дарҳақиқат, миллий ўзликни асраш, беқиёс қадриятларимизни муҳофаза қилиш, ёш авлод онгини ёт ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ҳар бир ижодкор, санъаткор ҳамда маданият ходимининг доимий вазифасига айланган.

Аслида ўзаро ахборот алмашиш иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ва бошқа соҳаларда янада ривожланишга хизмат қилади. Глобаллашган дунёда ахборот алмашинуви тараққиётнинг муҳим омилига

¹ Қаранг: Нурбой Жабборов. Буюк ўзгаришлар албатта буюк натижалар беради. Пиримқул Қодиров билан суҳбат. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010 йил 23 апрель

айланди. Маълумки, бир пайтлар оғзаки нутқнинг пайдо бўлиши билан ахборот узатиш имкониятлари кенгайган бўлса, ёзма нутқ ривожига бу борада янги босқични бошлаб берди. Фан-техника тараққиёти глобаллашув жараёнини беқиёс даражада тезлаштирди. Энди радио, телевидение, матбуот, телефон, факс, почта, интернет орқали ҳар қандай ахборот ўта тезкорлик билан тарқатилиши жамият тараққиётига сўзсиз таъсир кўрсатмоқда. Шу ўринда, кимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эгалик қилади, деган фикр амалда ўз исботини топмоқда.

Маънавий неъмат бўлган ахборотни истеъмол қилиш ўзига хос томонлари билан ҳам ажралиб туради. Ахборот фуқаролар, жамият ва давлат томонидан истеъмол қилинади. Бу истеъмол жараёнлари бир-биридан фарқ қилади. Айтайлик, бирон шахс учун қизиқарли бўлган маълумот, муайян ижтимоий қатлам ёки гуруҳ учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Шунингдек, ахборот макон ва замон хусусиятларига ҳам эга. Ғарбда ўта оммабоп бўлган ахборот Шарқ халқлари учун унчалик аҳамиятга эга бўлмаслиги оддий ҳол. Бироқ, ғарбликлар учун қизиқарли бўлган ахборотларнинг шарқликларга кўр-кўрона тикиштирилишидан кимлардир манфаатдор бўлиши мумкин. Ана шундай манфаатлар йўлида турли ахборотлар оқими юртимизга муттасил кириб келмоқда. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, “чет элдаги баъзи сиёсатчи ва арбоблар нафақат сиёсат ёки иқтисодиёт, балки маънавият бобида ҳам бизга ақл ўргатишга, азалий ҳаёт тарзимиз, руҳий дунёмизга ёт бўлган қарашларни мажбуран жорий этишга уринмоқда”¹.

Курраи замин ягона ахборот маконига айланган ҳозирги шароитда четдан кириб келаётган турли ахборотларнинг йўлига тўсиқ қўйиш имкони йўқ. У ҳолда нима қилмоқ керак, деган саволга мухтасар жавоб шу: биз учун ёт, бузғунчи ва вайронкор ғояларга асосланган ахборотлардан кўзланган ғаразли мақсадларни онги эндигина шаклланаётган ёшларга тўғри тушунтириб, улар онгида мафкуравий иммунитетни муттасил ошириб бориш

¹ Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 11 бет

зарур. Бу борада ишни тўғри ташкил этиш учун интернет тизимидан самарали ва оқилона фойдаланиш, уни ўзимизнинг маълумотлар билан бойитиб бориш лозимдир. Бугун интернетда юртимиз ҳаёти билан боғлиқ маълумотлар камлиги ҳақида ҳам тўғри танқидий фикрлар айтилмоқда. Миллий қадриятларимиз, тарих ва меросимиз, бугунги фан, санъат ва адабиётимизнинг энг яхши намуналарини интернетга киритиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Баъзан “оммавий маданият” ниқоби остида миллий менталитетимизга ёт ғоялар тўхтовсиз кириб келаётгани ҳақида таассуф билан гапирилмоқда. Бундай оқимга қарши ўзимизга мос маълумотларни интернетга киритиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида юртимиз ҳаётига оид ноҳолис маълумотларга жавобан ахборотларни глобал миқёсда тарғиб-ташвиқ этишга хизмат қилиб, ахборот хуружларига қарши ўзига хос қалқон вазифасини бажаради. Айни вақтда бундай саъй-ҳаракатлар ахборот хуружлари таъсирини камайтириш ва миллий ахборот макони хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, интернет тармоғидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони, 2005 йил 16 ноябрдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2005 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг жамоат ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги “Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ташкил этиш ва жаҳон ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги, 1999 йил 26 мартдаги

“Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2002 йил 23 сентябрдаги “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2005 йил 22 ноябрдаги “Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2005 йил 28 декабрдаги “Ziynet” ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида”ги, 2006 йил 22 сентябрдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2007 йил 23 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2007 йил 17 декабрдаги “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа шу каби ҳужжатлар амалда жамиятимизни замон талабларига мос равишда ахборотлаштиришга хизмат қилади.

Эндиликда инсоният ҳаётининг ҳеч бир соҳаси ахборот ва коммуникация технологияларидан четда қолиши мумкин эмас. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси бу соҳа ривожи учун хизмат қилувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириб бориш, мавжуд қонунларнинг ижросини назорат қилиш борасида қатор вазифаларни амалга оширмоқда¹. Бугун халқимизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи ҳақида сўз юритилганда “жамиятни бир тирик организм деб тасаввур қилсак, оммавий ахборот воситаларини организмдаги қон томирларига, ахборотни эса — мана шу қон томирларида тўхтовсиз

¹ Қаранг: Ўсаров О. Ахборотлашаётган жамият талаблари: қонун, ижро, масъулият. //Ўзбекистон матбуоти, 2008 йил 3-сон, 7-9 бетлар

ҳаракатда бўладиган қонга ўхшатиш мумкин,— деб ёзади Хуршид Дўстмуҳаммад.— Замонавий инсоннинг маънавий-мафкуравий, фуқаро сифатидаги тириклиги, соғломлиги ва унинг ахборот билан нечоғли тўқис таъминланганлиги билан белгиланади”¹.

Кишилар психологик таъсирларига турли даражада мойил бўладилар. Бу нарса шахсларнинг ёш хусусиятларига, индивидуал психологик ўзига хослигига, ҳаётий тажрибаларига боғлиқ бўлди. Ҳаётий тажрибалари, олган билимлари ортиб борган сари инсоннинг уқтиришларига бўлган мойиллиги камайиб боради. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, уқтиришларга ҳар қандай киши чалинади, улар орасидаги фарқ бегона фикр ва мақсадларнинг сингдирилиш тезлигида бўлади. Уқтиришга мойиллик маъсулиятсизлик, журъатсизлик, ишонувчанлик, безовталиқ, ҳаёлпрастлик, тақлидчиликка мойиллик, иримчилик каби психологик жиҳатларни кучайтиради.

Қўлланиладиган ахборот техникасига кўра бир неча ахборий-психологик таъсир омилларини ажратиш мумкин:

- оғзаки, шу жумладан овоз ва шовқин-суронларни кучайтирувчи акустик воситаларни қўллаш билан бўладиган таъсир;
- наشريёт махсулотларини қўллаш билан бўладиган таъсир;
- телевидение ва радиоалоқалардан фойдаланиб ўтказиладиган таъсир.

Глобаллашган мафкура майдонларида “ахборот хуружлари”га қарши курашда айниқса оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ғоят улкан масъулият юкланишини ҳам тўғри англамоқ лозим².

Айтиш жоизки, ахборот асрида жамият тараққиёти ахборотсиз амалга ошмайди. Демак, жамият қанчалик тараққиётга эришиши унинг қай даражада ахборотлашгани билан боғлиқ. Инсоний мезонларга, миллий манфаатларга хизмат қиладиган бундай ахборотлашган жамиятга четдан уюштириладиган ахборот хуружларининг таъсири ҳам унчалик бўлмайди.

¹ Дўстмуҳаммад Х. Глобаллашув даври ва ахборот макони. //Ўзбекистон матбуоти, 2007 йил 3-сон, 12-14 бетлар

² <http://sharh.uz/munosabat>

2.2. Экологик муаммоларнинг глобаллашуви ва унинг таҳдидлари

Инсоният жамиятининг тараққиёти ҳозирги кунга келиб, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва ҳал этилиши жиҳатдан ҳам долзарб бўлган глобал муаммоларни вужудга келиши билан характерлидир. Ана шундай ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бу экологик муаммолар бўлиб, у нафақат бир минтақа, балки бутун инсоният, ҳайвонот, набодот оламига хавф солмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммоларни ҳал қилинишига боғлиқ”.¹ Жаҳон миқёсида юз берган жараёнлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда инсоният учун ниҳоятда ўткир ва долзарб бўлиб турган глобал экологик муаммолар куйдагилардан иборат:

- Иқлим ўзгаришлари, озон қатламининг емирилиши;
- Чўллашиш ва ернинг деградцияси;
- Биохилма-хилликларнинг қисқариши;
- Ичимлик сувининг ифлосланиши ва етишмаслиги;
- Аҳоли сонининг ортиб бориши;
- Ортиқча ҳажмдаги чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ва уларни зарарсизлантириш муаммолари;
- Ўрмон ва тупроқ инқирози;

Дарҳақиқат, бугунги табиат мувозанатидаги ўзгаруичан аҳвол дунё жамоатчилигидан жиддий бош қотиришни талаб қилади. Республикамизда ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ миллий экологик қонунчилик негизлари асосида инсон ва миллат манфаатлари яққол устуворлик қиладиган

¹ Каримов И. “Ўзбекистон аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” – Т., “Ўзбекистон”, 1997 й., 115 бет

мукаммал экологик сиёсат – ҳақиқий маънодаги институт қарор топди. Ўзбекистон умумжаҳон экологик муаммоларни ҳал қилиш сиёсатининг субъектига айланди.

Хусусан, Ўзбекистондаги экологик муаммолар Орол денгизи билан боғлиқ. Орол денгизи ҳавзасидаги таҳликали вазиятнинг ечимида барча давлатлар манфаатларини уйғунлаштириш заруриятини англаган Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки даврларидан бошлаб ушбу экологик тангликни бартараф этиш чораларини кўра бошлади.

1993 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида дунё ҳамжамияти диққат эътиборини наркобизнес, халқаро терроризм, диний экстремизм, Афғонистондаги таҳликали вазият билан бир қаторда Орол денгизи фожеасига қаратди. Орол муаммоси, нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиёнинг, балки бутун дунёнинг муаммоси эканлигини ташвиш билан таъкидлаб ўтди. Давлатимиз раҳбари экологик фожеаларни бартараф этишда БМТнинг ролини кучайтириш лозимлиги ҳамда Ўзбекистон бу борада ушбу халқаро ташкилот билан доим ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Зотан, XXI асрнинг оламшумул фожеаси деб тан олинган ушбу экологик бўҳронни бартараф қилиш биргина Ўзбекистон ёки Марказий Осиё давлатлари имконияти даражасида эмас, балки фақатгина жаҳон ҳамжамияти, йирик халқаро ташкилотлар, нодавлат уюшмалар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш орқалигина, ушбу муаммо ечимини топиш мумкин.

Марказий Осиёдаги экологик муаммолар қўйидагилардан иборат:

- Орол денгизининг қуриши (Қозоғистон, Ўзбекистон);
- Сарийзак (Тожикистон) кўлидаги дамбанинг ёрилиши эҳтимоли;

- Ўтган йиллар мобайнида ядро ва атом синовлари, ҳамда қайта ишланган радиактив моддалар чиқиндилари (Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон);

- Сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик;

- Атроф — муҳитга сув омборларининг ва гидроэлектростанцияларининг салбий таъсири (Қирғизистон, Тожикистон).

Орол денгизининг қуриши ва йўқ бўлиб кетаётганлиги минтақа учун экологик фожиа бўлмоқда. Чунки, ҳозиргача бир авлод кўз ўнгида битта денгизнинг йўқ бўлиб кетиш ҳолати юз бергани йўқ.

Орол денгизининг қуриши ва натижада табиий ландшафтнинг бузилиши минтақанинг Оролбўйи атрофида экологик хавфли ҳудудни вужудга келтирди. Орол фожиасининг оқибатларини чанг ва туз бўронларининг вужудга келаётганлиги, Оролбўйи ва ундан ҳам кенг ҳудудларга ёйилаётган чўллашув жараёни минтақа иқлими ва ландшафтининг кескин ўзгаришида кузатишимиз мумкин. 35 млн.дан ортиқ одам бу фожианинг салбий оқибатлари жабрдийдасига айланган.

Орол муаммосини ҳал қилиш учун Марказий Осиё давлатлари самарали чора — тадбирлар тизимини шакллантирган. 1992 йилда «Оролни қутқариб қолиш халқаро жамғармаси» ни тузиш тўғрисида Қарорнинг қабул қилиниши, 1993 йил март ойида ва 1993 йил август ойида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол муаммоси бўйича учрашувларини бунга мисол қилиб олса бўлади. Бироқ, минтақа давлатларининг саъй — ҳаракатлари бу муаммони ҳал этиш учун етарли эмас.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2000 йил 7 — 8 сентябрь кунлари Нью — Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг «Мингйиллик саммити» да БМТ тузилмаларида Орол муаммоси бўйича Кенгаш тузиш таклифи амалга оширилса муҳим аҳамият касб этар эди. Чунки бу Кенгаш Орол муаммосини ҳал қилиш учун амалий чораларнинг самарадорлиги ошишига таъсир кўрсатиш ва молиявий

маблағларнинг Оролбўйи атрофидаги вазиятни яхшилаш учун кириб келишига таъсир кўрсатиши мумкин.

Демак юқоридаги мулоҳазалар бўйича қисқа хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон доимо минтақа хавфсизлиги ва барқарорлиги учун фаол иштирок этади. Марказий Осиёнинг жаҳон миқёсида минтақа сифатида халқаро имижини шакллантиришга ва унинг қудратлилик потенциалларининг реализация бўлиши учун ўз ташқи сиёсатини оқилона режалаштиришга интилади.

Шундай экан, бу муаммоларнинг ечими барча давлатларнинг моддий, техник, технологик, интеллектуал имкониятларини бирлаштиришдан ташқари, бу жараёнда инсон омили ролини ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳозирда экологик сиёсат борасида олиб борилаётган ишларнинг самарали, кўп жиҳатдан, фуқаролар экологик онги ва маданиятини ривожланишига боғлиқ. Шундай экан, инсоният ижтимоий иқтисодий, маънавий-маданий ҳаёт тараққиётининг мезонлари тизимида экологик онг ва экологик маданият устиворлашуви қонуният мақомига эга бўлиши шарт. Шундагина экологик онг ва маданият асосида инсонлар табиий атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ вазифаларни ўрганиш, уларни ҳал этиш ва бажариш муаммолар ечимини топишга уринадилар.

2005 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фан, маданият ва таълим масалалари бўйича тузилмаси — ЮНЕСКО қарори билан бутун дунёда "Биологик хилма-хилликлар йили" деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас. ХХІ асрга келиб, инсоният олдида бир қанча улкан экологик муаммолар пайдо бўлди. Ўз навбатида, инсон генетик коди аниқланди ва бу ҳақли равишда ХХІ аср фанининг энг буюк ютуғи дея эътироф этилди. Ер юзида ранг-баранг ҳаёт шаклларининг яралиш сири аён бўлди. Айни пайтда, бу кашфиёт нафақат Ердаги ҳаётнинг ранг-баранглигини, балки инсониятни ҳам йўқ қилишга қодир қудратли қурол ҳисобланади.

Аҳвол шу даражага бориб етдики, одамзот нафақат ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар, балки ўзини ҳам ўзгартира бошлади. Бу нафақат турли дин вакиллари, балки фан, давлат арбоблари, сайёрамизда яшайдиган жамики элу элатларда ташвиш уйғотмоқда.

Жумладан, Ер юзида кейинги икки асрда юз берган демографик портлаш: аҳоли сонининг кескин ўсиб бораётгани; иқлим ўзгаришлари ва унинг оқибатлари; ичимлик сув ва озиқ-овқат танқислигининг тобора ортиб бораётгани; ерларнинг деградацияси, шўрланиши, саҳроланиши; биологик хилма-хилликнинг камайиб кетаётгани; ҳавонинг кескин ўзгариб, ифлосланаётгани каби қатор глобал муаммолар инсоният олдида кўндаланг бўлдики, уларни бартараф қилиш учун фан ёки алоҳида бир йўналишдаги билимлар етарли бўлмай қолди. Дунёнинг етакчи олимлари ушбу муаммоларни ечиш учун фанлараро амалга оширилаётган лойиҳа ва тадқиқотларга катта умид боғлашмоқда. Шунинг учун ҳам БМТ Бош Ассамблеяси қарори билан 2005—2014 йиллар бутун дунёда Барқарор тараққиёт таълими декадаси (ўн йиллиги) деб эълон қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, сайёрамизда биологик хилма-хилликлар кейинги даврда жуда тез камайиб бораётир. Аксинча, "Қизил китоб"га киритилаётган ўсимлик ва ҳайвонот турлари сони эса кўпаймоқда. Уларнинг ўсиши, яшаш ҳудудлари инсон эҳтиёжларини қондириш туфайли йилдан йилга қисқариб кетаяпти. Қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар эрозияси кучайиб, экин майдонларининг шўрланиши оқибатида ҳар йили минглаб гектар ер фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолмоқда. Ерларга сепилаётган ҳар хил заҳарли моддалар, пестицидлар ва ҳаддан ташқари кўп қўлланилаётган кимёвий ўғитлар ҳам ер ости ва ер усти сувларини ифлослантириб, биологик турлар билан бир қаторда инсоннинг ўзига ҳам жиддий хавф туғдирмоқда.

Ҳозирги даврга келиб сайёрамизда тропик ўрмонлар ҳудудининг қисқариши оқибатида 5800000 кв.км. майдон яроқсиз аҳволга келган. Уй ҳайвонлари (моллар) пайҳон қилгани туфайли 6800000 кв.км. ер майдони

ишдан чиққан, 1370000 кв.км. ер майдони бутазорлар ва дарахтлар кесиб юборилгани боис фойдаланиб бўлмайдиган ҳолга келган. 5500000 кв.км. ер майдони эса, қишлоқ хўжалиги, биринчи навбатда, ирригация ва суғориш ишларининг нотўғри олиб борилгани оқибатида фойдаланишга яроқсиз аҳволга келиб қолган¹.

Ушбу рақамлар замирида инсон аралашуви оқибатида атроф табиий муҳитда юзага келган фожеа, яъни одамзотнинг нотўғри иш юритиши туфайли Ер юзидида пайдо бўлган улкан экологик хавф ётибди.

Бутунлай ишдан чиққан ерларда ҳам бошқа ҳудудларга мансуб ўсимлик турларидан, ўрмонлар яратиб, ўша майдонларни "яшил гилам" билан қоплаб, шўрланиб бораётган ерлар экологиясини соғломлаштириш ҳамда иқтисодиётни кўтариш мумкинлиги илмий нуқтаи назардан исботлаб берилган. Бундай ёндашув кўпчилик давлатлар томонидан маъқулланиб, қўллаб-қувватланмоқда. Барча турдаги биологик хилма-хилликлар космик фазода эмас, балки фақат Ерда, унинг бағридаги уммонларда мавжудлигини, фақат ерда яшаб, насл қолдириб, кўпайиш мумкинлигини, бундан буён инсониятнинг тақдири ҳам ердаги биологик хилма-хиллик билан чамбарчас боғлиқлигини теран англаб етиш фурсати етди. Инсониятнинг ерга муносабати тубдан ўзгармас экан, табиат унга инъом этган ризқ-рўз, насиба оёқости бўлиб, ўнганмас кулфатларга дуч келиниши жаҳон илмий жамоатчилиги, сиёсатчилари ва қонуншуносларини ҳам астойдил ташвишга солаётир.

Бугунги кунда Ер юзидаги шундай муаммолардан бири — одамларни ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ўта кескин тус олган. Африка, Осиё ва Жанубий Америкадаги катта минтақалар сув тақчиллигини ҳис этмоқда. Сув ресурсларининг кимёвий ва биологик жиҳатдан ифлослангани бу муаммони янада мураккаблаштирмоқда. Марказий Осиёда Орол муаммоси ўн миллионлаб одамларнинг ҳаётига дахл этаётир. Европа космик

¹ <http://huquqburch.uz>

агентлигининг сунъий йўлдошлари орқали олинган суратларда Орол денгизининг майдони йил сайин қисқариб бораётгани акс этган. Аҳвол шу тарзда давом этса, 2020 йилга бориб Орол денгизининг жанубий қисми йўқолиб кетиши мумкин, деган фаразлар ҳам йўқ эмас. ЮНЕСКОнинг Индиго лойиҳасида ҳалокатли туз шамолига қарши тузга чидамли ўсимлик ва дарахтлар етиштириш ўта долзарб масала сифатида алоҳида белгилаб қўйилган. Ўар йили кучли шамол Орол денгизидан 150 минг тоннага яқин туз қолдиқларини бир неча юз километр радиусга ёяди. Бу эса, шу ҳудудда яшаётган барча тирик жонга, жумладан, инсонларга ҳам хавф туғдиради, атроф-муҳитни заҳарлайди.

Жаҳонда йиғилиб қолган экологик муаммоларни ечиш учун ҳар хил ёндашувлар, шу жумладан, генетика, ген ва хужайра инженерияси, биотехнология методлари, ўсимликлар, ҳайвонлар ва ҳатто инсонни клонлаш усулларида кенг фойдаланилмоқда. Барча мамлакатлар биоэтиканинг асосий принципларига қатъий риоя этиши, БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар конвенцияларининг талабларини бажариши лозим. Бу эса, янги мингйилликда экологик ҳалокат юз беришининг олдини олишга кўмаклашиши мумкин.

Ҳозирги вақтда барқарор тараққиётга эришиш ва муаммоларни ечишда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш учун миллий, маҳаллий, минтақавий ва глобал даражаларда таълим тизимида Барқарор ривожланиш концепциясини кенг татбиқ этиш лозим. Бу концепция бутун таълим тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилишни назарда тутди. Таълим жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий, одамларнинг ҳозирги ва бўлажак авлодлари эҳтиёжларини қондириш мақсадида соғлом атроф-муҳит ва мамлакатнинг табиий ресурс салоҳиятини сақлаш муаммоларини ечишга қаратилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўзига хос геосиёсий, демографик, экологик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-тарихий хусусиятларни ҳисобга олиб,

жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрнини аниқлаб олган. Мамлакатимиз барқарор тараққиётининг миллий жиҳатлари, аввало, унинг суверен давлат сифатида шаклланиши, ижтимоий-иқтисодий ва экологик қийинчиликлар, Орол муаммосидан тезроқ қутулишга интилиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш билан белгиланади. Барқарор ривожланишнинг асосий йўналишлари жаҳон цивилизациясининг тараққиёт жараёнига тўла-тўқис мос келади. Шу боис, Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш миллий концепциясини таълим тизимида бошланган ислохотлар билан боғлаш ва маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда, мамлакат Конституциясига асосланиб, "XXI аср кун тартиби"да баён этилган принциплар асосида амалга ошириш лозим¹.

Дунё ҳамжамияти томонидан инсониятга таҳдид солаётган глобал муаммоларга эътибор қаратиш ва уларни бартараф этишга барчанинг куч-ғайрати йўналтирилмоқда. Юқорида айтилганидек, бу борада Барқарор тараққиёт учун таълим декадаси Ер юзида келажак неъматларини баҳамжиҳат яратиш ва улардан фойдаланишда жавобгарликни ўз зиммасига олишга қодир, дунёга янгича ёндашувини умумлаштирувчи ўзига хос концепция вазифасини ўтамоқда. Унда кўтарилган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши она табиатни, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Бугунги кунда фуқароларда юксак экологик онг ва маданиятни шакллантириш давлатимиз олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада аниқ дастурлар ва тавсиялар ишлаб чиқирилиши ҳамда аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишлари янада кучайтирилиши лозим. Она табиатимизни асраб-авайлаш, унинг неъматларидан оқилона фойдаланиш ва жамиятда соғлом экологик муҳитни яратиш нафақат табиатни муҳофаза қилиш органларини, балки шу заминда яшаётган ҳар бир инсонни муқаддас бурчидир. Шунини ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда экологик муаммоларга бутун инсониятга нисбатан таҳдид сифатида қараш лозим. Бу таҳдидни бартараф қилишда биринчи навбатда инсоннинг табиатга бўлган

¹ <http://huquqburch.uz>

муносабатини ўзгартириш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида экологик хавфсизлик масалалари муҳим ўрин эгаллашига эришиш, экологик барқарорликни таъминлашда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятни умумий муаммосига айланган”.¹

¹ Каримов И. “Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” – Т., “Ўзбекистон”, 1997 й., 112 бет

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Ҳозирги мураккаб бир шароитда ёш, мустақил давлатларга демократияни экспорт қилиш, ҳарбийлаштириш, антиглобализм, фашизм, айирмачилик, миллатчилик, диний экстремизм, демократик фундаментализм, глобал лидерлик стратегияси, халқаро террорчилик, гиёҳвандлик, одам савдоси, ахборот хуружи каби турли кўринишлардаги, лекин биргина мақсадга – жаҳон глобаллашув жараёнида афкор оммаси тасаввуридан дунё халқлари орасидаги тафовут пардаларини сидириб ташлашга қаратилган мафкуравий ва маънавий таҳдидлар жиддий ташвиш уйғотади кишида.

Юртбошимиз истиқлолимизнинг илк йилларидаёқ "Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат", деган тамойилни бежизга илгари сургани йўқ. Дарҳақиқат, турли таҳдидларнинг манбалари ҳақида чуқур мушоҳада юритсак, ғайриинсоний ва ғайримиллий мафкура қуролининг миллий маънавиятимизга мутлақо бегона экани ҳамда сайёрамизни остин-устун қилиб юбориши мумкинлигига амин бўламиз.

Муҳтарам Президентимиз "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида шундай ёзади: "Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар".

Аён ҳақиқат, бугунги давр шиддати, дунёнинг айрим давлатларидаги можароли ҳолатлар, қолаверса, халқаро миқёсдаги долзарб масалалар ва муаммоларнинг урчиши замирида турли усул ва услублардаги, яширин ва ошкора тусдаги мафкуравий таҳдидлар турибди. Бундай таҳдидлар эса асосан ахборот хуружларини уюштириш орқали тарқатилаётгани кўпчиликка маълум. Зеро, бугун кимки ахборотга эгалик қилса, ўша дунёга ҳам ҳукмронлик қилади. Бизнинг асримизда ривожланаётган давлатларга

нисбатан ахборот хуружларини уюштиришда ҳам информацион товарлар асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун глобал ахборот маконига реал кўз билан қарасак, жамоатчиликни хавотир ва ташвишга солиб келаётган муаммолардан бири, шубҳасиз, ахборот маконида носоғлом манфаатлар, зиддият ва қарама-қаршиликлар таъсиридаги агрессив, миллий ахборот маконимизга, маънавий қадриятларимизга ва баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ғоямизга мутлақо зид бўлган мафкурадаги ахборотлар оқимининг кириб келаётганидир.

Ахборот соҳаси либераллашаётган бир пайтда узоқ ва яқин минтақалардаги турли хил сиёсий, мафкуравий ва бошқа кучлар ўз манфаатлари йўлида оммавий коммуникация воситаларидан фойдаланиб, ахборот эркинлигини суиистеъмол қилиб, аҳолига, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлодга маънавий таҳдидлар орқали таъсир кўрсатиш, ҳали онги ва ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган фарзандларимизни чалғитиш, уларнинг онги ва қалбини эгаллаш йўлидаги ҳаракатларни кучайтираётгани сир эмас.

Зеро, ҳозирги глобаллашув жараёнлари ҳар биримиздан хушёрлик, огоҳлик, юртимизнинг турли мафкуравий хуружлардан муҳофазаланишини таъминлаш, миллийлик, мустақиллик йилларида демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш бўйича амалга оширилган улкан ишларга осонликча эришилмаганини теран идрок этиш, бир сўз билан айтганда, фаол ва қатъий фуқаролик позициясига эга бўлишимизни талаб этади.

Яна шуниси муҳимки, ахборот соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган бугунги шароитда, айниқса, глобал интернет тармоғи турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб бераётган бир пайтда, баъзи бузғунчи кучлар бу имкониятлардан ўз мақсадлари йўлида мафкуравий қурол сифатида фойдаланаётганини ҳам ҳисобга олишимиз зарур. Шу боис, ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган ҳозирги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни

тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамиятга молик масаладир.

Бу каби таҳдидлар бизнинг ёш, тобора ривожланиб бораётган ва ўз олдига дунёнинг энг илғор, ривожланган демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин олишдек улуғ стратегик мақсадни қўйган ва ана шу йўлдан дадил одимлаётган мамлакатимизга нисбатан ҳам уюштирилаётганидан қўз юмолмаймиз. Бироқ Ўзбекистонда бундай мафкуравий ва маънавий хуружларга қарши кураш борасида ўзига хос тажриба тўпланганини эътироф этиш жоиз. Мазкур тажриба асосида бир қатор стратегик омиллар мавжуд.

Биринчиси, бу жамиятни маънавий жиҳатдан юксалтириш омилидир. Тарихдан маълум, замоннинг шафқатсиз синовларига қарши ўзининг юксак маънавияти ва маърифати билан жавоб берган миллат ҳеч қачон заволят топмаган. Айнан маърифатгина миллатнинг замон билан ҳамнафас ҳаёт кечиришини таъминлаган, миллат тақдири учун хатарли вазиятларда айнан угина жамиятнинг қалқони вазифасини ўтаган.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди".

Бу борада мамлакатимизда ишлаб чиқилган ва босқичма-босқич ҳаётга жорий қилиниб, ўзининг юксак ижобий самарасини кўрсатаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлашимиз ўринли. Хўш, мазкур дастурни амалга ошириш орқали нималарга эришдик ва эришмоқчимиз, деган савол туғилиши табиий.

Энг аввало, ушбу дастурнинг рўёби мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир кўрсатиб, юксак тараққиёт сари ундаганини эътироф этиш мумкин. Шунингдек, интеллектуал салоҳияти кучли инсон

жамиятда ўз ўрнини тез топади ва турмушидан, тақдирдан, Ватанидан рози бўлиб яшайди. Бу, ўз навбатида, уни бунёдкорлик фаолиятига чорлайди. Муҳими, ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бут, ҳаётда аниқ мақсади бўлган, мустақил фикрловчи эркин ва комил шахсни шакллантириш имкониятига эга бўлдик.

Мафкуравий таҳдидларга қарши курашдаги Ўзбекистон тажрибасининг иккинчи стратегик омили бу ҳарбий соҳани мустаҳкамлашдир. Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги қонунчилик тизими ўз ҳудудини, давлатини ва халқини ҳар қандай кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилиш концепциясига асосланади. Ушбу жиҳатлар давлат мустақиллигини сақлаш, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, аҳолининг тинч ва осуда ҳаёт кечиришини таъминлаш, жамият хавфсизлигини муҳофаза қилиш каби омилларда яққол намоён бўлади. Шу маънода бизнинг энг замонавий армия ва Қуролли Кучларга эга бўлишимиз табиий ҳолдир.

Учинчи стратегик омил – иқтисодий ривожланишни таъминлаш. Маълумки, мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ, мамлакатимизда иқтисодий тараққиётни таъминлаш хусусий секторни ривожлантириш концепцияси асосида олиб борилмоқда. Бугунги кунда мулкдорлар синфини шакллантириш йўли билан юксак иқтисодий барқарорликни қўлга киритиб келмоқдамиз. Шунинг учун ҳам жамиятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Тўртинчи стратегик омил эса молиявий барқарорликка эришишдир. Бу дегани ялпи харажат ялпи даромаддан ортиб кетмаслигини, бюджет дефицитининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан, инфляция даражасининг 6-8 фоиздан ошмаслигини таъминлаш демакдир. Бу борада ҳам юртимизда салмоқли ютуқлар қўлга киритиб келинаётгани барчага маълум.

Афсуски, мафкуравий ва бошқа кўринишлардаги таҳдидларга қарши жаҳон миқёсида яқдиллик ва ҳамжихатлик, ҳамфикрлиликнинг йўқлиги бу нопок иш билан шуғулланаётган кучларнинг тегирмонига сув қуймоқда.

Мафкуравий таҳдидларга қарши курашда асосий мақсадимиз жамият маънавиятини юксалтириш экан, биринчи навбатда, миллий ғояни фуқаролар онги ва қалбига чуқур сингдиришга эришишимиз керак. Аҳолида, айниқса, ёш авлодда соғлом эътиқодни шакллантириш, улар орасида миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғун равишда тарғиб этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умуман, фуқароларнинг билими ва тафаккурини янада ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ишларини изчил амалга ошириб бораверсак, ҳеч қандай таҳдид бизга хавф сололмайди.

Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлаш эса Ўзбекистон ташқи сиёсатининг доимо устувор вазифаси бўлиб қолаверади. Марказий Осиёни жаҳон ҳамжамиятида ижобий халқаро имижини шакллантиришда ва муносиб геосиёсий мавқега эга бўлиши учун Ўзбекистон ўзига хос чора – тадбирларни амалга оширмоқда. Президентимиз И.А.Каримовнинг “Туркистон – умумий уйимиз” ғояси бунинг яққол мисолидир. Марказий Осиё минтақасига таҳдид солувчи омилларни Ўзбекистон дастлаб чуқур ўрганиб чиқишни ва бу муаммоларни босқичма – босқич ҳал этиш тарафдоридир.

Шундай экан хулоса қилиб, ушбу ишда қилинган таҳлилдан келиб чиққан ҳолда қўйидаги таклиф ва мулоҳазалар келтирилди:

1. Ўзбекистон объектив равишда Марказий Осиё тараққиёти ва истиқболи учун махсус тарихий масъулиятга эга. Ўзбекистон минтақада барқарорлик, демократия ва интеграция таянчи ва йўналтирувчи кучи сифатида ҳаракат қилиши зарур;
2. Ўзбекистон теварак – атрофида хавфсизлик, қўшничилик ва ҳамкорлик муҳитини юзага келтириши керак;

3. Марказий Осиёда тажовузкор ақидапарастлик, миллатчилик ва экстремизм ғоялари ёйилишининг олдини олиш бўйича чора – тадбирлар самарадорлигини ошириш;
4. Минтақада коллектив хавфсизлик тизимини ташкил этиш;
5. Халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг (БМТ, ЕҲХТ, ШХТ) фаолиятида уларнинг имкониятлари ва потенциалларидан Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизликни таъминлаш масалаларини ҳал этишда фаол иштирок этиш;
6. Экологик хавф – хатарлар кучайган ҳудудларда, хусусан Орол экологик танглик минтақасидаги ишлаб чиқаришда аҳоли учун хавфсиз технологияларни жорий этиш ва минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш чора – тадбирларининг самарадорлигини ошириш;
7. Марказий Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга йўналтирилган ахборот хуружини бартараф этиш учун информацион хавфсизлик тизимини шакллантириш ва унинг фаолиятини мукамаллаштириш.

Очиқ дарс ишланмаси

Мавзу: Ҳозирги замоннинг глобал муаммолари

Мақсадлар: ўқувчиларнинг глобал муаммолар ҳақидаги билимларини умумлаштириш, бу муаммоларнинг ўзаро алоқадорлигини, ўзаро шартланганлигини, инсониятнинг бошқа муаммоларидан фарқланишини кўрсатиш; қўшимча адабиётлар ва Интернет маълумотлари билан ишлаш кўникмасини ривожлантириш, ўз фикрини билдира олиш малкасини шакллантириш.

Дарс тури: янги материални ўрганиш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм

(Ўқитувчи тақдимотининг бошидаги глобализм ва глобализация ҳақидаги таърифларни ўқиб, ўқувчилардан уларни тушунтиришни сўрайди. 2-3 та ўқувчи жавобини эшитиб, дарснинг мавзуси ва мақсадларини тушунтиради.)

Бугунги дарсда биз қуйидаги саволларни кўриб чиқамиз:

1. Глобал муаммолар таснифи.
2. Асосий глобал муаммолар тавсифи ва уларни ҳал қилиш йўллари.

II. Янги материални ўрганиш

1. Глобал муаммолар таснифи

- “Глобал муаммолар” тушунчаси билан география, биология, кимё, тарих дарсларида танишгансизлар. “Глобал муаммолар” деган тушунча қачон пайдо бўлган? (Жавоб: XX асрнинг 50чи йилларида)

- Нима учун бу муаммолар глобал деб аталган? (Жавоб: “Глобал” сўзи лотинча globus - шар, globus terra - Ер шари сўзларидан келиб чиққан. Бу муаммолар бутун башариятнинг ҳаётий муҳим манфаатларини қамраб олади.)

- Нима учун бу муаммолар айнан XX аср ўрталарида пайдо бўлган? (Жавоб: Чунки бу даврда атом қуроли қуролланишга олинган эди.)

“Глобал муаммолар” тушунчасига қуйидаги тавсифлар хос:

- улар битта мамлакат ёки бир гуруҳ мамлакатлар фаолияти туфайлигина эмас, балки бутун инсониятнинг фаолияти натижасида вужудга келтирилган;
- улар бутун башариятнинг мавжуд бўлишига, Ер шаридаги ҳаёт асосларига таҳдид соладилар;
- бу муаммолар фақат бутун жаҳон ҳамжамияти кучларини бирлаштирилиши шартидagina ҳал қилиниши мумкин.

XX-XXI асрлар чегарасида қудратли кучлар белгиланиб, уларнинг ҳаммаси жаҳон ҳамжамиятини янгича ҳолатга олиб келиши мумкин. Улардан

биринчиси – Евроатлантика цивилизациясининг иқтисодий етакчилигидир. Иккинчиси – Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиёдаги иқтисодиётнинг шиддатли юксалишидир. Учинчиси – давлатларнинг, бир томондан, трансмиллий корпорациялар ва нодавлат ташкилотлари фонидаги заифлашуви, ва, иккинчи томондан, ўта тартибсизликни келтириб чиқариш таҳдидини вужудга келтирувчи янги тартибга солиб бўлмайдиган жараёнларнинг авж олиб боришидир (масалан, сўнгги пайтларда тшрли оммавий ахборот воситаларида аномал табиий катаклизмларнинг - ниҳоятда юқори ҳарорат, Европадаги узоқ давом этувчи ёмғирлар – “географик қурол”нинг ишлаб чиқишдаги ютуқлар билан тушунтирилади). Тўртинчиси – бой-бадавлат “Шимол” ва камбағал “Жануб” ўртасидаги номутанослибликларнинг чуқурлашувидир. Бешинчиси – демографик портлаш. Олтинчиси – “мафкуралар асри”дан кейин кўпчилик давлатлар “универсал” ғояни топишга интилмоқдалар, ва шу баҳона билан халқнинг маънавий ҳаётига турли хил мазҳабларни фаол жорий этиб, улар амалда ўз аъзоларини “зомби”га айлантирмоқда (масалан, Япониядаги “Аум Синрикё”). Ушбу кучларнинг мажмуи жаҳоннинг умумий суратини ҳамда кучларнинг стратегик ўзаро нисбатни ўзгартириб юбориши мумкин. Шунинг учун бугунги кунда барча мамлакатларни, бутун жаҳон ҳамжамиятини биргаликда ҳаракат қилишини талаб қилувчи глобал муаммоларни бартараф қилиш биринчи галдаги вазифага айланмоқда.

- Сизларга маълум бўлган глобал муаммоларни санаб ўтинглар.

Барча глобал муаммоларни шартли равишда 4та асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

- ижтимоий-сиёсий;
- ижтимоий-иқтисодий;
- ижтимоий-экологик;
- инсон муаммолари.

2. Асосий глобал муаммоларнинг тавсифи ва уларни ҳал қилиш йўллари (Дарсдан олдин ўқувчиларга дарс мавзуси юзасидан материал тўплаб келиш топшириғини бериш мумкин.)

Ижтимоий-сиёсий муаммолар тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш билан боғланган.

Ҳал қилиш мумкин бўлган йўллар:

- локал урушлар ва этникаро можароларнинг олдини олиш;
- халқлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда куч ишлатишнинг ҳар қандай шаклларида воз кечиш;
- халқаро терроризмга қарши кураш;
- стратегик қуролланишлар бўйича келишувларни қабул қилиш;
- мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч, яхши қўшничилик, ҳамкорлик ва шерикчилик муносабатларини ўрнатиш;
- қуролланиш пойгасини тугатиш, қуролсизлантиришни ўтказиш ва конверсия. Конверсия – бу ҳарбий ишлаб чиқариш мажмуида банд бўлган ортиқча ресурсларни фуқаролар учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказилишидир.

Ижтимоий-иқтисодий муаммолар бир қатор мамлакатларнинг иқтисодий қолоқлигида намоён бўлади. Бу мамлакатларда айрим баҳоларга кўра, Ер шаридаги аҳолининг деярли ярми истиқомат қилади. Қолоқликнинг сабаблари: ноқулай табиий-иқлимий шароитлар, меҳнатни ташкиллаштириш ва бошқарувнинг самарасизлиги, заиф ишлаб чиқариш базаси ва ҳоказолардир.

Ҳал қилиш мумкин бўлган йўллар:

- аграр ва бозор ислохотларини ўтказиш;
- иқтисодиётни индустрлаштириш;
- капитал тўпланишини таъминлаш;
- самарали бошқарув.

Демографик муаммо шундан иборатки, XX асрнинг иккинчи ярмида сайёрамиздаги аҳоли сони кескин ўсиб кетди. Бироқ, ривожланган мамлакатларда туғилишнинг пасайиши ва аҳолининг кексайиши кузатилмоқда, табиий камайиш ўсиб бормоқда, меҳнатга лаёқатли аҳоли улуши қисқармоқда ва ҳоказолар.

Ҳал қилиш мумкин бўлган йўллар:

- заиф ривожланган мамлакатларда юқори туғилишни чеклаб қўйиш, жумладан давлат чораларини қўллаш, тегишли тушунтириш ишларини олиб бориш;

- тараққий этган мамлакатларда туғилишни рағбатлантириш, ҳеч бўлмаса, вафот этаётган авлодлар ўрни босилишини таъминлаш.

Озиқ-овқат муаммоси овқатланиш маҳсулотларининг кескин етишмаслиги, уларнинг сифатсизлиги ва овқатланишнинг балансланаганлиги билан боғлиқ.

Ҳал қилиш мумкин бўлган йўллар:

- денгиз маҳсулотларини овлашни кенгайтириш;
- жаҳон ҳамжамиятининг ёрдами;
- аҳоли ўсиши ва ишлаб чиқариш имкониятлари ўртасидаги балансни таъминлаш.

Табиий ресурслар муаммоси. Кўпчилик ресурслар тамом бўладиган, янгиланмайдигандир.

Ҳал қилиш мумкин бўлган йўллар:

- иқтисодий ўсиш моделини ўзгартириш: ресурслар ҳажмини ўстириб боришдан уларни қазиб чиқариш ва истеъмол қилишда рационаллаштиришга ўтиш;

- ишлаб чиқаришнинг энергия ва материаллар ҳажмини пасайтириш;
- ноанъанавий энергетикани ривожлантириш;
- ресурслардан рационал ва тежаб-тергаб фойдаланишни рағбатлантириш.

Ижтимоий-экологик муаммолар жамият ва атроф-муҳитнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ. Буларга Ер сайёрасининг ҳаво ва сув ҳавзаларини ифлослантириш, ишлаб чиқариш чиқиндиларининг таҳдидли ўсиб бориши, иқлимнинг глобал ўзгаришлари, тупроқлар ҳосилдорлигининг ёмонлашуви ва ҳоказолар киради.

Ҳал қилиш мумкин бўлган йўллар:

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида халқаро дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни бажариш;
- самарали табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик;
- чиқиндиларни утилизация қилиш муаммосини ҳал қилиш;
- жамиятда экологик дунёқарашни шакллантириш.

Инсоннинг глобал муаммолари. Пандемик касалликларнинг ўсиши, СПИД (ОИТС), “сурункали чарчаш синдроми”, турли фобияларнинг ўсиши ва ҳоказо.

Ҳал қилиш мумкин бўлган йўллар:

- соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш ва жорий этиш.

Қўшимча материал

Ҳавонинг глобал исиши туфайли одамлар тез-тез касалланадилар.

Олимларнинг таъкидлашича, иқлим ўзгаришлари миллионлаб одамларнинг соғлигига таъсир қилади.

Врачнинг олдида буюрилган ҳар бир тўртинчи ташриф об-ҳаво ёки атроф-муҳит “инжиқлик”ларининг натижасидир. Бу рақамни Мадридда бўлиб ўтган метеорологлар конференциясида Соғлиқни сақлаш бўйича Бутунжаҳон ташкилотининг ходимаси Мария Ниера айтиб ўтган эди. “Осмондаги девонхона” билан кўпична қуйидаги касалликлар боғланган:

- Диарея. Сабаби оддий: об-ҳаво нақадар иссиқ бўлса, бактериялар шу қадар фаолроқ кўпаяди. Афтидан сийқаси чиққан ич кетишни медиклар инсоннинг асосий “киллери” деб ҳисоблашмоқда.

- Респираторли инфекциялар ва сурункали ўпка касалликлари - астма, бронхит ва ҳоказолар (ҳавонинг намлиги ва тозалигига боғлиқ).
- Малярия -безгак (ундан ҳар йили 1,1 млн киши вафот этади). Унинг тарқалиши ҳавонинг ҳарорати ва намлигига жуда ҳам боғлиқдир.
- Йўл-транспорт ҳодисаларидаги жароҳатланишлар. Яхвонлик, яъни йўлларни музлама қоплаганда ва ёмғир ёққанда йўлларнинг сирпанчиқлиги, туман туфайли ёмон кўриниш ва ҳоказолар ҳар йили 1,2 млн ўлимнинг сабабидир.
- Юракнинг ишемик касаллиги. Юраги касал беморлар иссиққа ҳам, атмосфера босимининг ўзгаришига ҳам, ҳавонинг юқори намлигига ҳам таъсирланадилар.

Глобал иссиқликдан айниқса Африка ва Осиёдаги тропик ва иссиқ мамлакатлардаги аҳоли кўплаб зиён чекадилар. Аммо Европа ва Россиядаги шаҳарликларида ҳам ўз тажовузкорлари бор: ёзда «иссиқнинг тўлқинлари» ва йирик шаҳарлардаги ҳавонинг ифлосланиши. Айрим рақамларга кўра, Эски Дунёнинг 350 минг кишилари ҳар хил ифлосликлардан нафас олиб вафот этган эканлар (Ҳаво тозалиги бўйича Европа комиссиясининг маълумотлари). Бу ерга ифлосланишларнинг барча турлари киради: автомобил чиқаришлари, завод мўриларидаги тутун, йўллардаги ва қурилишдаги чанглар, тамаки тутуни, ўсимликлар ва дарахтларнинг гулчанги... Улар, тадқиқотчиларнинг фикрича, кўплаб касалликларни келтириб чиқариши ёки оқимини тезлатиши мумкин: юрак-томир, респиратор, онкологик, асаб ва хатто генетик касалликларни ҳам. Об-ҳаво билан шаҳарлардаги ҳавонинг тозалиги тўғридан тўғри боғланган.

Масалан, Москвада қуёшли ва шамолсиз ёз кунларида ҳавода кўплаб зарарли аралашмалар йиғилиб қолади. Ёмғирли кун эса кайфиятни бузса-да, ҳавони тозалайди. 2003 йил ёзида европаликлар иссиқ ҳаво нафақат ҳолдан тойдирувчи, тинка-мадорни қуритувчи бўлиши мумкинлигига, балки ўлдирадиган даражада хавфи ҳам бўлиши мумкинлигига амин бўлишди.

Франция, Италия, Греция, Испания бир неча ҳафта давомида иссиқ ҳаводан бешиб кетишди, иссиқнинг даражаси $+35^{\circ}\text{C}$ дан юқорига чиқиб кетганди. Глобал иқлим ва экология Институтининг профессори Сергей Семеновнинг ёзишича, «Парижда кунига 300га яқин киши вафот этганди. Меъёргаги об-ҳаво пайтида фақат 50 кишигина вафот этади холос».человек. А в нормальную погоду не больше 50». Ўша ёзда иссиқ ҳаво 40 мингта европаликнинг умрини бемаҳал олиб кетди. Иссиқ ҳаёт учун хавфли бўлиши учун, у албатта 40-даражали бўлиши керак эмас. Мегаполисларда хатто ранжитмайдиган $+25$ ёки $+30^{\circ}\text{C}$ ҳам, агар бундай ҳаво узоқ вақт давом этса, инсон соғлиги учун зарарли бўлиши мумкин. Биринчи навбатда қари ва камбағал одамлар унинг қурбонлари бўлишади, айниқса улар юрак-томир ёки нафас олиш системаси касалликлари билан касалланган бўлсалар. Кондиционерсиз квартираларда ва энг тепадаги қаватда, қизиган том тагида турувчи кишилар ҳам ёмон чидайдилар. Япон тадқиқотчиларининг маълумотига кўра, иссиқдан энг кўп азият чеккан одамлар ичида деярли ярми - 4 ёшдан кичик бўлган болақайлар ва 70 ёшдан катта бўлган қариялардир.

Ўша пайтдан бошлаб метеорологлар ва врачлар “иссиқ тўлқинларини” яхши ўрганишди ва Европа шаҳарларида аҳолини олдиндан хавфдан хабардор қилиб қўйиш тизимини йўлга қўйишди: нима қилиш керак, ўзини қандай тутиши керак ва ҳк. Атроф муҳитни мониторинг қилиш бўйича Интернационал тадқиқотчилик институтининг директори Стефен Коннорнинг айтганидек, 2006 йил ёзи ҳам аномал равишда иссиқ келган бўлса ҳам, ўлимга олиб келадиган ҳолатлар бир неча мингтага қисқарди!

Демак, иқлимнинг глобал ўзгаришлари ҳам одамлар соғлигига таъсир ўтказар эканми? Афсус, бу ҳақиқатдир! Иқлим ўзгаришлари бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг башоратида яқин 100 йил ичида ўзгараётган иқлим миллионлар кишиларнинг соғлигига таъсир ўтказар экан

Қандай қилиб? Озиқ-овқат етишмаслиги билан боғлиқ касалликлар кўпаяди. Сайёра учун бу асосий муаммодир, чунки ҳозир ҳам очлик ва ёмон

овқатланиш туфайли йилига 3,7 млн киши вафот этмоқда. Бироқ, Россия ёки Ўзбекистонни бу муаммо четлаб ўтади. Чунки Россиядаги ўрта ва шимолий кенгликларда глобал иссиқлик озиқ-овқат борасида бирмунча фойдали бўлса, Ўзбекистонда етиштирилаётган ўсимликлар иссиқ ҳавога ўрганиб қолган. Россиялик экспертларнинг айтишича, агар Россияда ҳаво 2 ҳароратгача кўтарилса, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш учун қулай муҳит яратилади, чунки ўсимликлар эртароқ гуллаб, эртароқ ҳосил беради. Агар 3 дан юқори ҳароратга ошса эса, россияликлар ҳам озиқ-овқат етишмаслигидан зарар кўришлари мумкин экан.

Айрим ОАВ ва Интернет хабарларида айтилишича, 2014 йил ёзи аномал тарзда иссиқ келиши мумкин экан. “Иссиқлик тўлқинлари” (экстремал иссиқнинг узок давомли даврлари), сув тошқинлари, бўронлар, ўрмон ёнғинлари ва қурғоқчилик билан боғлиқ бўлган ўлимлар, жароҳатланишлар, касалликлар сони ортади. Глобал иссиқлик офатларидан бири шуки, бундай табиий катаклизмлар йил сайин ортиб бормоқда.

Кўплаб инсонлар диареядан безор бўлади ва овқатни ҳазм қилдириш системасининг бошқа касалликларидан азобланади. Кардиореспираторли касалликлар ҳам кўпаяди. Юқумли касалликлар эса илгари улар ҳақида эшитмаган минтақа аҳолисига ҳам таҳдид солади. Биринчи навбатда, буларга безгак ва Денге иситмали қалтироғидир. Олимларнинг айтишича, Россияга тропик касалликлар тарқалмайди. Бироқ у ерда қапа-жўлак энцефалити ареали кенгайиб бормоқда. Шунингдек, ўсимликлар гуллаши даври эрта бошланиб, узок давом этгани туфайли гулчангдан таъсирланувчи аллергиялар азият чекмоқдалар. Наҳотки глобал иссиқликдан соғлиққа фақат зарар етказилса? Албатта, йўқ. Экспертларнинг айтишича, совуқлик билан боғлиқ бўлган муаммолар, жумладан, ҳаддан ташқари совиб кетишдан ўлимлар сони камаяди.

III. Ўрганилган материални мустаҳкамлаш

- Глобал муаммонинг асосий белгиларини аниқланг.

- Халқаро сўровларга кўра, экологик вазиятнинг ёмонлашуви одамларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатишидан россияликларнинг 89%, АҚШликларнинг 67%, канадаликларнинг 51 %, норвегияликларнинг 27%, финларнинг 21% , данияликларнинг 14% хавфсирашмоқда. Сизнинг фикрингизча, буни нима билан тушунтириш мумкин? Бу маълумотларни таҳлил қилинг.

- Сўровларнинг кўрсатишича, америкаликлар ва финлар, россияликлар ва данияликлар ҳозирги кундаги глобал муаммолари келтириб чиқараётган таҳдидларни турли даражада қабул қилишмоқда. Бу муаммолар ечимини глобал муаммолардан хавфсираётган фуқаролар сони айниқса кўп бўлган мамлакатлар зиммасига юклаш керакми?

- Илмий анжуманда чиқиш қилган бир олимнинг таъкидлашича: «Инсоният ўз охиратига етиб бораётганини англаб етиш даври келди. Бизда ўзимизни қутқариш учун на кучимиз, на имкониятимиз қолмади. Биз маҳкумиз». Сизлар бу фикрга қўшиласизларми? Жавобларингизни асослаб беринг. (Ўқитувчи дарс якунини чиқаради.)

Уйга вазифа:

1. Дафтардаги ёзувларни ўрганиб, ёдлаб олинг.

2. Индивидуал топшириқлар. Қуйидаги масалалар бўйича ОАВлардан материал топинг:

- энергетика муаммоси ва уни ҳал қилиш йўллари;
- сув билан таъминлаш муаммоси ва уни ҳал қилиш йўллари;
- Дунё океани ресурсларидан тежамли фойдаланиш муаммоси;
- табиатни муҳофаза қилиш борасидаги муаммоларни ҳал қилиш йўллари;
- урбанизация бутунжаҳон жараён сифатида;
- ривожланаётган мамлакатлар қолоқлигини бартараф қилиш муаммоси.

Хайрлашув.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Президент асарлари ва қонунчилик ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни. Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008.
2. Каримов И. “Ўзбекистон аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” – Т., “Ўзбекистон”, 1997
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: Ўзбекистон, 2009
5. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009

II. Илмий, илмий-омабон, ўқув, ўқув-услугий адабиётлар

6. Бек У. Что такое глобализация? – М.:Прогресс-Традиция, 2001
7. Глобализация как фактор социальных перемен в современном мире. – М., 2012.
8. Глобалистика. Энциклопедия. – М., 2010.
9. Дергачев В. А. Глобалистика. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.
10. Кастельс М. «Информационная эпоха: экономика, общество и культура. М.: ГУ ВШЭ, 2000
11. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т., 2000
12. Многоликая глобализация. – М., 2004

13. Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси (сиёсий-фалсафий қирралари). — Т.: «Akademiya», 2005
14. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил). — Т.: «Янги аср авлоди», 2008.
15. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. — Т.: Ўзбекистон, 2013
16. Очилдиев А. Ахборот ва жамият тараққиёти. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурулиши академияси, 2006
17. Практика глобализма. Правила игры нового века. — М., 2000.

III. Газета ва журнал мақолалари

18. Ахборотлашган жамиятда ОАВ ўрни. // Моҳият, 2008 й. 26 сентябрь, 6-7 б.
19. Дўстмуҳаммад Х. Глобаллашув даври ва ахборот макони. // Ўзбекистон матбуоти, 2007 йил 3-сон, 12-14 б.
20. Жабборов Н. Буюк ўзгаришлар албатта буюк натижалар беради. Пиримқул Қодиров билан суҳбат. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010 йил 23 апрель
21. Ўсаров О. Ахборотлашаётган жамият талаблари: қонун, ижро, масъулият. // Ўзбекистон матбуоти, 2008 йил 3-сон, 7-9 бетлар
22. Ғуломов Ш. Миллий матбуотимизда янги босқич. // Ўзбекистон матбуоти, 2010 йил, 1-сон, 22 б.

IV. Интернет сайтлари

23. www.lex.uz
24. www.google.co.uz
25. <http://www.faylasuf.uz/index.php/nazariy/zamonaviy-muammolar/globalistika>
26. Мирзаев Б.О. Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш тараққиёт
омили 25.04.2012 | Номер: №47(1458) // [http://www.biznes-
daily.uz/ru/gazeta-birja/](http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/)
27. <http://sharh.uz/munosabat>
28. www.fikr.uz
29. <http://huquqburch.uz>
30. www.insonvaqonun.uz

М У Н Д А Р И Ж А

Режа.....	2
Кириш.....	3
Адабиётлар таҳлили.....	9
1-БОБ. ГЛОБАЛИЗМ, ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ВА УЛАРНИНГ ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИГА ТАЪСИРИ.....	11
1.1. Глобаллашув: тушунча, моҳияти ва мазмуни.....	11
1.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш.....	21
2-БОБ. ГЛОБАЛИЗМ ТАҲДИДЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ.....	36
2.1. Ахборотлашган жамият тараққиёти ва глобализм даври таҳдидлари.....	36
2.2. Экологик муаммоларнинг глобаллашуви ва унинг таҳдидлари.....	50
Хулоса ва тавсиялар.....	59
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	79